

ФОЛЬКЛОР МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТЎПЛАШ ВА НАШР ЭТИШ МЕТОДИКАСИ



- ❖ ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Халқ ижодиёти” (турлари бўйича) йўналиши
- ❖ доцент Тошматов Ўрозали Гафурович

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан
тасдиқланган
ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчи: ЎзДСМИ “Чолғу ижрочилиги” кафедраси
профессори Тошматов Ўрозали

Такризчилар: Париж миллий олий мусиқа ва рақс
консерваторияси профессори
Dylan Corlay

ЎзДСМИ “Фольклор ижрочилиги” кафедраси
мудири, доцент Ахмедова Ойгул

Ўқув -услубий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий методик
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “30” декабрдаги 5/4-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	15
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	21
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	88
V.	ГЛОССАРИЙ.....	107
VI.	КЕЙСЛАР.....	110
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	113
VIII.	ТАҚРИЗЛАР.....	

І. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Халқ ижодиётининг замонавий тенденциялари” модулининг мақсади:

Халқ ижодиётининг жамиятимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрнини аниқлаш, ушбу мероснинг ер юзида барқарор тараққиётни таъминлашдаги ўрнини тушунтириш орқали уни сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш жараёнига, унинг таълим тизимида ўрганилаётганлиги мисолида янги замонавий шакл ва услубларни амалиётга самарали татбиқ этиш масалаларига педагог кадрларни жалб этиш.

“Халқ ижодиётининг замонавий тенденциялари” модулининг вазифалари:

- халқ ижодиётининг дунёда барқарор тараққиётни таъминлашдаги ўрнини кўрсатиш;
- XX асрнинг сўнгги чораги ва XXI аср бошларида халқ ижодиётини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишларни таҳлил этиш;
- Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган халқ ижодиётининг турлари, жанрлари билан танишиш;

- халқ ижодиёти муҳофазаси билан боғлиқ халқаро ва миллий қонунчилик, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни ўрганиш;
- халқ ижодиётининг таълим муассасаларида ўрганилиши ва олий таълим тизимида уларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашни таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Халқ ижодиётининг замонавий тенденциялари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- халқ ижодиётининг мазмун, моҳиятини;
- халқ ижодиёти муҳофазаси борасида ЮНЕСКО томонидан ва Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни;
- халқ ижодиётининг соҳалари, турларини;
- халқ ижодиёти билан боғлиқ халқ ижодиёти жанрларини;
- халқ ижодиётининг таълим муассасаларида ўрганилишига қаратилган мақсад ва вазифаларни **билиши** лозим.
- сахна санъати (Art performing) билан боғлиқ халқ ижодиётини таснифлаш;
- халқ ижодиёти муҳофазаси борасида тегишли мамлакатларда амалга оширилаётган ишларни таҳлил этиш;
- халқ ижодиётининг тегишли соҳалари ўзлаштирилишида халқ ижодиёти намуналаридан фойдаланишни йўлга қўйиш;
- халқ ижодиёти муҳофазаси борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлардан талабаларни хабардор қилиш;
- халқ ижодиётининг замонга мослашуви орқали сақлаб қолиниши мумкинлигини тушунган ҳолда уни таълим тизимига татбиқ этиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- халқ ижодиётини ўзлаштиришда анъанавий услуб ва тажрибаларни қўллаш ҳамда педагогик фаолиятга татбиқ этиш;
- халқ ижодиётининг тегишли йўналишлари ва жанрларини ўзлаштиришда зарур бўлган услубий ва ўқув қўлланмаларини яратишда халқ ижодиётидан самарали фойдаланиш;
- халқ ижодиётини муҳофаза қилиш борасидаги илғор тажрибаларни ўрганган ҳолда ўз педагогик фаолиятига татбиқ эта билиш;
- замонавий техник воситаларни халқ ижодиётини ўрганишда қўллаш;
- хорижий давлатларда халқ ижодиётининг таълим тизимида ўзлаштирилиши бўйича амалга оширилган тажрибаларни ўқув жараёнига татбиқ этиш;

- халқ ижодиёти эгаларидан таълим жараёнида фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.
- халқ ижодиётининг моҳиятини тушунган ҳолда уни таснифлай олиш;
- халқ ижодиётининг тегишли жанрларини ва уни ўзлаштиришдаги анъанавий услубларни таълим тизимига татбиқ этиш;
- фольклор мусиқий асарларини ўзлаштириш услубларини талабаларга сингдириш;
- халқ ижодиётининг таълим тизимида ўрганилиши борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкил этиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш бўйича тавсиялар

“Халқ ижодиётининг замонавий тенденциялари” модули ҳозирги кунда таълимнинг замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек анъанавий ва замонавий ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ижрочилик малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Халқ ижодиётининг замонавий тенденциялари” модули мазмуни ўқув режадаги “Халқ ижодиётида барқарор тараққиёт ва номоддий маданий мерос”, “Фольклор ижрочилик санъати тарихи”, “Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида халқ ижодиётининг ўрганилишини таъминлаш, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкларининг юкларининг, соат			
		Жами	назарий	амалий	кўчма
1.	Жаҳон халқларининг маданий ҳаётида халқ ижодиётининг тутган ўрни. Фольклор миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши	2	2		
2.	Халқ ижодиёти тарғиботида фольклор кўшиқларининг ўрни	2	2		
3.	Бахшичилик – халқ ижодиётининг муҳим йўналиши сифатида	2	2		
4.	Фольклорда тур ва жанрлар	2		2	
5.	Фольклор асарлари структураси	2		2	
6.	Фольклор асарларининг замонавий талқинлари	2		2	
Жами:		12	6	6	0

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Жаҳон халқларининг маданий ҳаётида халқ ижодиётининг тутган ўрни. Фольклор миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. (2 соат)

Жаҳон халқлари маданий ҳаётида халқ ижодиёти. Ўзбекистонда халқ ижодиётини муҳофаза қилиш борасида сўнгги йилларда олиб борилаётган ишлар. Халқ ижодиётининг барқарор тараққиётни таъминлашдаги ўрни: озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш; анъанавий даволаш амалиётлари; сув ресурсларини бошқаришга оид анъанавий урф-одат ва амалиётлар. Ўзбекистонда фольклор миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши ва уларнинг ўзаро муносабатлари.

2-мавзу: Халқ ижодиёти тарғиботида фольклор кўшиқларининг ўрни. (2 соат)

Никоҳ тўйи маросимида халқ кўшиқлари. Фольклор жамоалари репертуарида халқ фольклор кўшиқлари. Фольклор кўшиқларида анъана. Фольклор кўшиқларида вариантлик. Фольклор кўшиқларининг жанрлари. Фольклор кўшиқларининг локал жанрлари.

3-мавзу: Бахшичилик – халқ ижодиётининг муҳим йўналиши сифатида. (2 соат)

Халқ оғзаки ижодининг жанрлари. Эртақ, миф, афсона, тез айтиш, топишмоқ, лоф, ривоят, латифа, масал, матал, афсона, аския ва бошқа. Бахшичилик санъати. Бахши ижрочилиги мактаблари ва ижро йўналишлари. Болалар фольклори ва унинг жанрлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Мазкур модуль таркибидаги амалий машғулотлар қуйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, кўшимча воситалар, шунингдек оркестр ёки хор жамоалари билан амалий

ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

1-амалий машғулот: Фольклорда тур ва жанрлар. (2 соат)

Халқ оғзаки ижодининг жанрлари. Халқ мусиқа ижоди ва унинг жанрлари. Ижро санъатида фольклорнинг ўрни . Саҳнавий ижро санъатининг жанрлари. Мусиқа. Мақомлар. Халқ фольклори.

2- амалий машғулот: Фольклор асарлари структураси. (2 соат)

Халқ оғзаки ижодига хос жанрларнинг структураси, ижрочилик санъатига хос халқ мусиқий ижодига тегишли жанрларнинг структуралари, урф одат, маросимлар ва байрамларнинг моҳияти, структураси бўйича амалий топшириқлар берилиб, биргаликда муҳокама уюштирилади.

3- амалий машғулот: Фольклор асарларининг замонавий талқинлари. (2 соат)

Халқ мусиқа ижодиётини хонандалик санъати воситасида тарғиб этиш масалалари. Аввалдан режалаштирилган ҳолда тингловчилар орасида халқ ижодиётининг тегишли соҳаси бўйича ўз маълумотларини тақдимот (презентация) кўринишида тақдим этади. Тингловчилар томонидан соҳага оид бўлиб, қамраб олинмаган тур ва жанрлар муҳокама этилади ва тўлдирилади. Номоддий маданий мероснинг рўйхатларига киритилган номзодлар ўрганилади, яна қайси номзодларни рўйхатга киритиш ёки қичариб ташлаш, бошқа рўйхатга ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли [Фармони](#).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги

ПФ-5847-сонли [Фармони](#).

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш” тўғрисидаги Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ–6000-сон Фармони.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Ш.Турдимов. Эпос ва этнос. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти 2012 й.
2. Т.Мирзаев. Ҳоди Зариф суҳбатлари. Тошкент, 2013 й.
3. Т.Мирзаев. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. Тошкент, Фан нашриёти, 1979 й.
4. М.Муродова. Фольклор ва этнография. Тошкент, 2008 й.
5. Ж.Эшонкулов. Фольклор: образ ва талқин. Қарши, Насаф нашриёти, 1999 й.
6. М.Жўраев, Ж.Эшонкулов. Фольклоршуносликка кириш. Тошкент, 2017 й.
7. Ўзбекистон номоддий маданий мероси рўйхати. Nilol nashr MChJ, Toshkent, 2016 у.
8. Intangible cultural heritage of Uzbekistan (Ўзбекистон номоддий маданий мероси). ICHCAP, ICAS, YUNESKO ishlari bo`yicha O`zbekiston Milliy Komissiyasi nashri. Mega Basim, 2017 у. <https://www.unesco-ichcap.org/publications-archive/intangible-cultural-heritage-in-uzbekistanuzbektili/>
9. Номоддий маданий мерос ва барқарор ривожланиш. ЮНЕСКО нашри
10. Номоддий маданий мерос ва гендер масаласи. ЮНЕСКО нашри
11. What is intangible cultural heritage. Published by UNESCO and ICH
12. Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage. Published by UNESCO and ICH
13. Implementation of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage. Published by UNESCO and ICH

14. Working towards a Convention. Published by UNESCO and ICH
15. Questions & Answers. Published by UNESCO and ICH
16. Identification and inventory of intangible cultural heritage. Published by UNESCO and ICH
17. Domains of intangible cultural heritage. Published by UNESCO and ICH
18. Fact sheets. Published by UNESCO and ICH

II. Интернет сайтлар

1. <http://edu.uz>
2. <http://lex.uz>
3. <http://bimm.uz>
4. <http://ziyonet.uz>
5. <http://www.dsmi.uz>
6. <http://music.edu.ru/catalog>
7. <http://artyx.ru/>
8. <https://www.unesco-ichcap.org/publications/>
9. <https://www.ich.uz>

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Нима учун?” технологияси.

Нима учун схемаси мавжуд муаммони келтириб чиқарган сабабларини аниқлашга ёрдам берувчи схемадир. Сабаб-оқибат қонунига асосан муаммони келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламай туриб муаммони ҳал этиш қийин.

Муаммони ечимини топиш учун уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва йўқотиш талаб этилади. Тингловчиларда сабаб-оқибат қонунияти асосида фикр юритишни тарбиялаш муҳим. Ушбу схема тингловчиларда айнан ана шу хусусиятни ривожлантиради. Тингловчиларда тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

**НИМА
УЧУН?**



муаммони аниқлаш, уни
ҳал этиш, таҳлил қилиш ва
режалаштириш жараёнида
қўллаш мумкин

“Нима учун”? схемасига асосан тингловчилар фаолиятини ташкил этиш кетма-кетлиги

1-босқич

Тингловчиларни “Нима учун”? схемасини тузиш қоидалари
билан таништириш



2-босқич

Якка тартибда (жуфтликда) муаммо шакллантирилади. Нима учун?
сўроғи билан стрелка чизилади ва саволга жавоб ёзилади. Қайта-қайта
“нима учун” деган савол бериб борилади. Муаммони келтириб чиқарган
илдиз яширинган сабаби топилгунча давом эттирилади.



3-босқич


Тингловчилар кичик гуруҳларга бирлаштирилади, ўз схемаларини таққослашга ва қўшимча киритишга имкон яратилади. Умумий схема жамланади.



4-босқич

Натижалар тақдимоти уюштирилади. Фаолият натижалари баҳоланади.

«Нима учун?» технологиясининг схемадаги кўриниши



“Нима учун”? схемасини тузиш қоидалари

1. Қандай пиктограммадан фойдаланишни ўзингиз ҳал этасиз.
2. Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.
3. Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим.

“ВЕР” технологияси.

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий

томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “БЕЕР” технологияси умумий мавзуни айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

“БЕЕР” технологияси мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

-бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;

-мавзуни ўрганиш жараёнида; унинг асосийларини англаб етиш:

-яқунлаш босқичида; олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ҳодиса, тушунча текширилади.

Афзаллик - бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат-ижобий сифат.

Нуқсон-номукаммаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса-муайян бир фикрга, мантиқий, қоидалар бўйича далилдан натажага келиш.

ФСМУ технологияси.

(Ф) - фикрингизни баён этинг.

(С) - сабабини кўрсатинг.

(М) - мисол (далил) келтиринг.

(У) - умумлаштиринг.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинар якунида (тингловчиларнинг ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда тингловчиларнинг, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгалаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Ушбу технологиянинг асосий мақсади тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1-босқич.

-ўқитувчи тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

-ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради:

-машғулот давомида ҳар бир талаба ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2- босқич.

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баён этишга сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қозоздаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

3 - босқич.

-Ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, Ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларидадан фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади:

-ўқитувчи ҳар бир гуруҳда ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади:

-ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардан фикр ва далилларни катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4 - босқич.

-Кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади:

-гуруҳ аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар:

-фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

5- босқич.

-Кичик гуруҳларда умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар: Гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаш яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6 - босқич.

-ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

-қўйидаги саволлар билан тингловчиларга мувожабат қилади:

-ушбу технологиядан нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

-ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

-ушбу технологияни қўлланилиши тингловчиларда қандай ҳислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

-ушбу технологиянинг ўқув жараёнининг қайси босқичида қўлланилгани маъқул ва нима учун?

-ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши тингловчиларга нима беради ва нимага ўргатади?

-ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Жаҳон халқларининг маданий ҳаётида халқ ижодиётининг тутган ўрни. Фольклор миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. (2 соат)

Режа:

- 1.1. Жаҳон халқлари маданий ҳаётида халқ ижодиёти
- 1.2. Ўзбекистонда халқ ижодиётини муҳофаза қилиш борасида сўнгги йилларда олиб борилаётган ишлар
- 1.3. Халқ ижодиётининг барқарор тараққиётни таъминлашдаги ўрни: озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш; анъанавий даволаш амалиётлари; сув ресурсларини бошқаришга оид анъанавий урф-одат ва амалиётлар
- 1.4. Ўзбекистонда фольклор миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши ва уларнинг ўзаро муносабатлари

Таянч иборалар: *халқ ижодиёти, тенденция, маданий мерос, номоддий маданий мерос, озик-овқат хавфсизлиги, анъанавий даволаш амалиётлари, урф-одат ва амалиётлар, атроф-муҳит, иқтисодий ривожланиш, билим ва кўникмалар, ҳамжамият.*

1.1. Жаҳон халқлари маданий ҳаётида халқ ижодиёти

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг янгича адабиётларида оғзаки-шеърый ижоднинг мафкуравий-эстетик тамойиллари устун келди. Унинг бой реалистик анъаналаридан маҳрум бўлган адабиётларга таъсири (масалан, қирғиз) ўша босқичда табиий эди. Бироқ, баъзида у стилизацияларда ифодаланган ва ҳақиқий адабий нақшларнинг ривожланишини бостирадиган кечиктирилди. Бу қирғиз ёзувчиси Т. Сидикбековнинг "Темир", туркман ёзувчиси Б. Кербабаевнинг "Оқ волот мамлакатидан ай-Солтан" ва бошқа асарларида ҳам яққол кўриниб турибди. 40-50-ларда. минтақанинг адабиёти фольклор намуналарига механик рия қилишни энгиб, улардан узоқлашишга интилади. Бу нафақат ютуқларга, балки халқ маданиятининг ҳаётбахш анъаналаридан маълум бир ажралишга

олиб келади, бу бахтга кўра узоқ давом этмайди. 50-йилларнинг 2-ярмидан бошлаб Ўрта Осиё ва Қозоғистон адабиётлари "миллий фольклор билан сифат жиҳатидан янги муносабатларга" (бор-бугулов М.)(П4, С. 86) кириб келди. Замоनावий даврда насрни нафақат муаммоларни, балки тасвирий-ифодали имкониятларни ҳам бойитадиган онгли қабул - сюжетларга, образларга, оғзаки-шеърый ижоднинг бадиий воситаларига мурожаат қилиш. Шу билан бирга, ёзувчилар бугунги кунлардаги муаммолар ва уларнинг фикрлари ва услубларини босиб чиқариш билан боғлиқ бўлган янги материаллар асосида "хайкал" қиладилар. А. Н. Веселовский аллақачон таъкидлаганидек: ". қадимги © бравалар, тасвирларнинг акс-садоси, тўсатдан улар халқ-шеърый талаб, вақт талаби пайдо бўлганда пайдо бўлади. Шундай қилиб, халқ афсоналари такрорланади, шунинг учун адабиётда баъзи мавзуларни янгилаш тушунтирилади, бошқалари эса унутилади "(126, п. 71). Айниқса, фольклорнинг 1958 - дан Ч.Айтматовнинг "Жамила" нашр этилган вақти - ва бугунги кунгача минтақанинг бошқа насрий жанрлари орасида этакчи мавқега эга бўлган ва "вақт шакли"га айланган фольклор ҳикояси билан фаол ҳамкорлик қилади. "Фольклоризмнинг иккинчи тўлкини" деб номланган бундай шовқин, ҳикоянинг фалсафий ва романтик хилма-хиллигида жуда аниқ намоён бўлди. Унинг муаллифлари ижодкорлиги ўзининг бадиий даражасида кенг ва турли хил материалдир.

Бугунги кунда минтақанинг насрий ёзувчилари орасида қирғиз ёзувчиси ва замонавий замонавий Иттифоқининг энг катта вакили "оҳангни сўрайди"- Ч.Айтматов адабиёти. Унинг бадиий фаолиятига қозоқ сўз усталари А. Кекилбаев, О. Бокеев, С. Санбаев ва А. Алимжанов, тожик насрий ёзувчиси Ф. Муҳаммадиев ва ўзбек-тожик адиб Т. Пулатов, туркман ёзувчиси Т. Жумагелдиев ва қорақалпоқ романчиси Т. Каипбергенов бир ёъл ёки бошқа ёъл билан раҳбарлик қилмоқда. Ушбу муаллифларнинг аксарияти адабиётни фольклорга айлантириш ёълда ҳақиқий муваффақиятга эришади. Уларнинг

ҳикоялари кучли фалсафий принципга, романтик юксакликка, лирик ҳаяжонга эга бўлиб, ҳақиқий ишончлиликни истисно қилмайди.

Диссертация иши мавзуси сифатида биз ва втсбй-рямфилоофокд^Джа.нтическу10 Ўрта Осиё ва Қозоғистон адабиётларининг қиссаси 60-80гг. Биз Ч. Айтматов, Ф. Муҳаммадиев, Т. Пўлатов ва А. Кекилбоевнинг ҳикояларига тўхталиб ўтдик, чунки уларда жанрнинг фалсафий-романтик турларининг мафкуравий-эстетик табиати, шунингдек, улар шубҳасиз бадиий фазилатларга эга эканликлари аниқ ифодаланган. Қозоқ ёзувчиси А. Кекилбоевнинг иши бизнинг мавзуимиздан ташқарига чиқади. Шунга қарамай, қозоқ адабиётининг тарихий тақдири қозоқ халқига тегишли Қирғизистон ва қорақалпоқ адабиётлари билан жуда ўхшаш. Шунинг учун биз қозоқ ҳикоясини Марказий Осиё билан бир хил нуқтаи назардан кўриб чиқамиз.

Таҳлилни чеклаш асосан замонавий давр билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади. Биринчидан, унинг ҳаётининг дастлабки босқичларида фалсафий ва романтик ҳикоя фольклор билан ҳали ҳам онгсиз равишда мулоқот қилади ва бадиий жиҳатдан этарлича этук эмас. Иккинчи, 20-50-ларда жанрнинг шаклланиши ва ривожланиши. "Совет кўп миллатли адабиёти тарихи", минтақанинг айрим миллий адабиётлари тарихи ва очеркларида, шунингдек, ўрта Осиё ва Қозоғистон насрларида (Шала-Баев Б.(327), шамурадов Б. (328), Эркебаев А. (337) ёки ҳикоя жанрининг муайян жиҳатлари (Рашидов А. (265). Шу билан бирга, тадқиқот давомида биз Марказий Осиё ва Қозоғистон адабиётлари мавжудлигининг дастлабки даврларида зарур экскурсиялар ўтказамиз.

Минтақанинг замонавий ҳикояси сезиларли ютуқларга эришди. Шу сабабли, унинг мафкуравий ва бадиий ўзига хос хусусиятларининг айрим хусусиятлари бир қатор нашрларда кўриб чиқилганлиги ажабланарли эмас: қозоқ-Б. Шалабаев (327) диссертациясида; қирғиз-Қ. Асаналиев (86, 88), К. Бобулов (но), М. Борбугулов (114) китобларида; тожик-ж.Бако-Заде (95), М. Шукурова (333); Туркман ва ўзбеклар диссертацияларида Ж. М. Шукурова

(333).Аллакова (80), Э. К. Ахмедярова(94), А. Оразова (241), К. Тагматова (304) ва бошқалар. Шундай бўлса-да, дочи ҳеч қандай иш ёъқ, қазрда ср^эктопик-типологиқ ва тарихий-генетик жиҳатлари мазмуни нуқтаи назаридан ва поэтика нуқтаи назаридан ҳар қандай Марказий Осиё адабиёти ҳикоя эмас таҳлил қилинди.ва бутун минтақа. Ҳа, ва аниқ^. 60-80-ларнинг Наср ривожланишида фольклорнинг роли анадиг. замонавий адабиётшунослиқнинг долзарб вазибаларидан бири.

Собиқ Иттифоқ фанида "адабиёт ва фольклор" муаммоси бўйича кўплаб ишлар мавжуд. Улар орасида М. М. бахтина (101), П. С. Вйҳодтсев (137), В. М. гатсак (139), У. Б. Далгат (155), Д. И. Эмелянова (162), З. С. Кедрина (182), И. П. Лупанова (217), З. Г. Османова (244) ва бошқалар бор. Шунингдек, "адабиёт ва фольклорнинг ўзаро ҳамкорлиги ("Наро адабиёти ва фольклорининг ўзаро ҳамкорлиги" мавзусидаги конференция материаллари

- Марказий Осиё ва Қозоғистон довлари ҳақида-Душанбе, 1968.") "(129), " Совет адабиёти масалалари. Рус замонавий адабиётида фольклор "(133), " Афсона. Фольклор. Адабиёт" (229)," СССР халқларининг адабиётларини ривожлантиришда фольклорнинг ўрни "(269)," рус адабиёти ва фольклорлари (ХИХ асрнинг биринчи ярми) "(274)," рус адабиёти ва фольклори (ХИХ асрнинг иккинчи ярми) "(275)," рус замонавий шеърляти ва фольклор санъати "(276), Ш-тх, уп-тх ва ҳуш-тх том тўплами " Россия фольклор. Материаллар ва тадқиқотлар" (277, 278, 279) ва бошқалар, сўнгги йигирма йил ичида адабиёт фольклоризмини ўрганишда адабий услублар, жанрлар, ёъналишлар оғзаки фольклор санъати билан ўзаро муносабатларга эътибор қаратган илгари кенг тарқалган монографик жиҳатни ўзгартириш тенденцияси аниқ. Шу муносабат билан симптоматик равишда У. Б. Далгат монографиясининг номи " адабиёт ва фольклор. Назарий жиҳатлар". Шу билан бирга, бугунги кунга қадар тасвирларнинг жанрлари, халқ ижодиётининг бадий воситалари, тасвирларнинг тузилиши, қурулиш, услубининг вазибалари ҳали ҳам этарли даражада таҳлил қилинмаган. Тезисда биз ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг 60-80-

йиллар ҳикоясининг ўзига хос мазмун ва бадиий хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қиламиз.,

Бугунги кунда фольклоризмни ўрганиш каби кўринади. Литература / W фольклор анъаналарини ўрганиш шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин. Ушбу ёндашув адабий жараённинг ўзи томонидан таклиф этилади, чунки фольклор ва шартли принциплар замонавий кенгашда кўпинча бирлаштирилган. Бу, айниқса, Марказий Осиё ва Қозоғистоннинг янги адабий асарлари билан боғлиқ. Олимлар, масалан, Г. Ломидзе "ленинизм ва намений замонавий адабиёти тақдири, зионалнйх адабиёти" (213) номли китобида бундай тадқиқотлар эҳтимоли ва долзарблиги ҳақида ёзадилар. Шундай эмас. Камроқ досиҳпорвсе ё сче удепяэтсямядо эътибор фольклор бири сифатида ва адабиётда бадиий Конвенция манбалари. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг мумкин бўлган усулларида бирини белгилашдан олдин, адабиётшунослик ва эстетикада бадиий Конвенция назариясининг асосий қоидаларига мурожаат қилайлик.

А. В. Луначарский таъкидлаганидек, инқилобий санъат " ҳаёлий гиперболе, карикатура, ҳар қандай деформацияни қабул қилиши мумкин, агар бу деформациялар ҳеч қандай таъқиб қилинмаса, аслида, футуризм ўзини қўйган ҳаёлий мақсад билан изоҳланмаган. Агар таниқли ижтимоий хусусиятни самарали аниқлаш учун уни ҳақиқий намоён бўлишидан бутунлай бошқача тарзда ифодалаш керак бўлса, лекин бузилган ва карикатура тасвирини унинг ташқи хушбўйлиги ва бефарқлиги ортида яширган нарса, албатта, бу усул, албатта, чуқур реалдир" (3, п. 300-301). Замонавий замонавий олимлари шартли ҳаётни қайта тиклашнинг аҳамияти ва тўлиқлиги, ҳақиқатни аниқ акс эттириш қобилиятига ишора қилади. М. Б. Храпченконинг ёзишича, "реализм ҳеч қачон бир хил эмас, табиийлик. Унинг энг яхши кўринишларида у кучли белгилар, ёрқин эҳтирослар, шунингдек, гиперболе, абартма, фантастика тасвирини ўз ичига олган ва ўз ичига олади" (319, п.67). Биз Т. Ас-каров (90), В. Дмитриев (159, 160), З. Сидрина (181), Б. Сучков (301), Л. Г. Якименко (340) ва социалистик реализм ёзувчилар томонидан бадиий Конвенция фойдаланиш, бу усулнинг

имкониятларини кенгайтиради, деб ишонаман бошқа тадқиқотчилар билан бутунлай бирдамлик, уни романтик Илҳом беради, сиз фалсафа, тарих муҳим масалаларни ошириш имконини беради.

Сўнгги йилларда замонавий фанида бадиий анъаналарнинг мураккаб муаммоларини тушуниш учун жуда кўп ишлар қилинди. Унинг кейинги ривожланиши учун асос олимларнинг кўпчилиги "Конвенция" атамасини икки маънода ишлатишидир.

1.2. Ўзбекистонда халқ ижодиётини муҳофаза қилиш борасида сўнгги йилларда олиб борилаётган ишлар

Жаҳон халқлари учинчи минг йилликка қадам кўяр экан, ўз миллий кадриятлари, урф- одатлари, маънавий-маданий меросларига тобора қизиқиш билан қарамоқдалар. Зеро, инсон ўзлигини англаши учун урф-одатларини, анъаналари ва халқ оғзаки ижодини ўрганиши лозим. Халқ оғзаки ижодини ўрганиш – халқнинг турмуш тарзи, бугуни ва келажаги, ўй-кечинмалари ҳамда руҳиятини ўрганиш демакдир, чунки бунда миллатнинг ўзлигини англаши, ўзини намоён этиш тамойиллари, кўп йиллик ҳаёт тарзи ва дунёқараши акс этган бўлади.

Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида ҳар бир халқнинг миллий ўзлигини англатадиган маросим фольклори ва бу фольклор жанрлар таркибининг ўзига хос жиҳатлари, тарихий-генетик асослари, тарихий-тадрижий ривож, номоддий маданий мерос тизимидаги ўрни, маросим кўшиқларининг структурал-семантик хусусиятлари ҳамда бадииятини тадқиқ этиш долзарб илмий йўналишлардан бирига айланди. Жумладан, француз халқ кўшиқларининг матний таҳлили, турк маросим фольклорининг жанрий таркиби, Узоқ Шарқ ва Сибирь халқлари фольклорида маросим лирикасининг тутган ўрни каби масалалар кенг ёритилди.

Мамлакатимизда бугунги кунда миллий менталитетимизни белгилайдиган маънавий кадриятлар, жумладан, маросим фольклори

материалларини барча ҳудудлар бўйича тўплаш ва тадқиқ этиш фольклоршуносликнинг устувор тамойилларидан бири бўлиб қолди. Бу йўналиш маросим фольклори жанрларининг локал хусусиятлари ва ҳудудий ранг-баранглигини аниқлаб, ўзига хос жиҳатларини очиб бериш имконини яратди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони келтирилган “миллий маънавий ўзликка эга бўлиш, маданий меросни ўзлаштириш учун кураш ялпи ижтимоий ҳаракат¹” сифатидаги устувор стратегик йўналиш илмий изланишлар кўламини янада кенгайтиришга асос бўлмоқда. Ўзбек тўй маросим фольклори таркибида никоҳ тўйи алоҳида тизим сифатида муҳим ўрин эгаллайди ва уларда ижро этилувчи фольклор намуналари ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Айти пайтда, никоҳ маросимлари ва фольклори ҳар бир ҳудудда маълум локал хусусиятларга эга. Шу боис, Ўрта Зарафшон воҳаси никоҳ тўйи маросим фольклори манбаларини тўплаш, мавжуд жанрларни аниқлаш, уларнинг маросим тизимидаги вазифаси ва бадиий-эстетик қимматини ўрганиш фольклор жанрларининг тарихий тараққиёти ва бадииятига доир янги назарий хулосалар чиқаришга асос бўлиши билан долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари

хамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги VMQ №222-сонли “2010-2020 йилларда Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Конвенцияси “номоддий маданий меросни маданий турли-туманлик негизи ва барқарор тараққиёт кафолати” сифатида тан олади. 2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланишнинг кун тартиби амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирларнинг режаси бўлиб, у 17 та барқарор тараққиёт мақсадлари асосида иқтисодий, ижтимоий ва экологик йўналишлардаги масалаларга ечим топишга қаратилган. Бу мақсадлар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, ривожланиш йўллари ҳақида маълумот беради ва учта фундаментал тамойилга, яъни инсон ҳуқуқлари, тенглик ва барқарорликка асосланади. Номоддий маданий мерос нафақат ушбу уч йўналиш доирасида барқарор ривожланишга самарали кўмак бериши, балки барқарор ривожланишнинг заминида ётувчи тинчлик ва хавфсизликни таъминланишига ҳам ёрдам бериши мумкин.

Халқ ижодиётининг барқарор ривожланишга қўшган ҳиссаси тан олиними ва тўлиқ рўёбга чиқиши учун унинг барқарор ривожланишда тутган ўрнини қандай қилиб тушуниш лозим?

Барқарор ривожланишнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик йўналишлари ҳамда тинчлик ва хавфсизлик масалалари бўйича чора-тадбирлари алоҳида эмас, балки бир бири билан чамбарчас боғлиқдир. Барча йўналишлар ўртасида ўзаро ижобий алоқа борлигини ҳисобга олган ҳолда, бу каби умумий мақсадларга эришиш сиёсатга нисбатан яхлит ёндашувни талаб қилади. Шу ўринда номоддий маданий мерос юқорида айтиб ўтилган уч йўналиш доирасида барқарор ривожланишга самарали кўмак бериши мумкин. Шундай экан, биз барчага хоҳлаётган келажакка эришишда номоддий маданий меросни ҳимоя қилиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Барқарор озиқ-овқат хавфсизлиги, сифатли тиббий хизмат, хавфсиз ичимлик суви ҳамда санитария таъминоти, барча учун сифатли таълим, барчани қамраб олувчи ижтимоий муҳофаза тизими ва гендер тенглиги мавжуд бўлмаса барчани қамраб олувчи ижтимоий ривожланишга эришиб бўлмайди. Ушбу мақсадлар негизида кенг иштирокка асосланган бошқарув ҳамда ўзининг қадрият тизимини танлаш эркинлиги бўлиши лозим. Жамиятлар турли вақтда ва турли муҳитда юзага келадиган эҳтиёжларини қондириш ҳамда ижтимоий масалаларга жавоб топиш учун ўзларининг номоддий маданий меросини, хусусан табиатга оид билимларини, урф-одатларни ва ижтимоий анъаналарини яратган ва мослаштириб борган. Анъанавий даволаш амалиётлари, таомни тайёрлаш ва тановул қилиш билан боғлиқ урф-одатлар, сув ресурсларини бошқариш билан боғлиқ анъаналар, жамоат тадбирлари ва байрамлар, билимларни келажак авлодларга етказиб бериш тизимлари - буларнинг ҳаммаси барчани қамраб олувчи ижтимоий ривожланишга эришишда муҳим роль ўйнайди.

**1.3. Халқ ижодиётининг барқарор тараққиётни таъминлашдаги ўрни:
озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш; анъанавий даволаш амалиётлари;
сув ресурсларини бошқаришга оид анъанавий урф-одат ва
амалиётлар**

Таомни тайёрлаш ва тановул қилиш билан боғлиқ урф-одатлар, қишлоқ хўжалигини юритиш, чорвачилик, балиқчилик, овчилик, озиқ-овқатни тўплаш ва сақлашнинг маҳаллий тизимлари озиқ-овқат хавфсизлигига эришишда катта кўмак бериши мумкин. Ҳамжамиятлар ўзларининг қишлоқ ҳаёти ва атроф муҳитига нисбатан муфассал ёндашувчи анъанавий билимларнинг катта ҳажмини тўплаган. Уларнинг усуллари ўзларининг ерлари ва табиий муҳитлари ҳақидаги батафсил маълумотларга таянади, турли хил қишлоқ хўжалиги экинларини, ўсимлик ва ҳайвонларини қўллашга асосланади ҳамда нам, арктик, субтропик ва ёғингарчилиги кам бўладиган минтақаларга мослаштирилган. Ҳамжамиятлар бу минтақаларга ҳамда атроф-муҳитдаги ўзгаришларга мос келадиган таомни

тайёрлаш ва тановул қилиш билан боғлиқ турли хил урф-одатларни, озиқ-овқатни тайёрлаш ва сақлаш тизимларини яратишган. Ҳозирги кунда дунё бўйлаб кўпчилик оилалар ернинг ҳосилдорлигини оширишга кўмак берадиган, озиқ-овқатни танлашда турфахилликни таклиф қиладиган, тўлақонли озиқланишни таъминлайдиган ҳамда соғлом турмуш тарзини олиб боришга ёрдам берадиган кишлоқ хўжалиги тизимларига боғлиқ. Бу каби тизимларни тўхтовсиз мустаҳкамлаб бориш ҳамда уларнинг сақланиб қолинишини таъминлаш дунёдаги кўпчилик ҳамжамиятлар учун озиқ-овқат хавфсизлигига эришишда, сифатли овқатланишни ташкил қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Дунёнинг кўпчилик ҳамжамиятлари даволашга оид турфахил билим ва амалиётларни яратганлар. Булар самарали ва арзон даволаш усулларини таклиф қилади ва кўпинча маҳаллий табиий ресурсларни қўллашга асосланади. Мисол учун, табиблар қадим замондан биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган жуда ҳам муҳим инсонлар бўлишган. Уларнинг доривор ўсимликларни қўллаш билан боғлиқ анъанавий билим ва усуллари беморларни даволаш жараёнида олиб борилган кузатувларига асосланади. Яна бир мисол сифатида Танзаниянинг Танга туманидаги табибларни, хусусан доялар ва руҳшуносларни кўрсатиш мумкин. Улар ҳам жисмоний ва психологик хасталикларни даволашда ўзларининг махсус билимларни қўллашади. Умуман олганда, бошқа тиббий хизматлардан фойдалана олиш имконияти бўлмаган жойларда (шу жумладан, чекка қишлоқларда) бу каби даволаш амалиётлари арзон ҳамда барча учун қулай бўлиши мумкин.

Шунинг учун бу каби даволаш амалиётларини тан олиш, уларга ҳурмат билан қараш, янада ривожлантириш ҳамда келажак авлодларга етказиб бериш жуда муҳим ҳисобланади. Бундай чоралар айниқса анъанавий даволаш амалиёти ҳамжамият учун энг қулай тиббий хизмат тури сифатида қаралган жойларда амалга оширилиши лозим. Бошқа тиббий хизмат турлари мавжуд бўлган жойларда эса, ижтимоий-маданий ҳаётда чуқур илдиз отган бундай анъанавий билимлар ва амалиётлар инсонларнинг тиббий хизмат турини танлаш имкониятларини анча кенгайтириши мумкин

Сув ресурсларини бошқаришга оид анъанавий урф-одат ва амалиётлар тоза ичимлик сувини адолатли таъминотиغا ҳамда сув ресурсларидан барқарор фойдаланишга кўмак бериши мумкин, шу жумладан қишлоқ хўжалиги соҳасида ва турмушнинг бошқа жабҳаларида. Асрлар давомида маҳаллий ҳамжамиятлар чуқур илдиз отган анъаналарга амал қилган ҳолда сув ресурсларини барқарор бошқариш ҳамда барчани тоза сув ичимлиги билан таъминлаш бўйича кўникмаларни шакллантириб келди. Мисол учун, Сан Кристобаль де лас Касас шаҳарчасидаги (Чьяпас штати, Мексика) сув ресурсларини бошқариш тизимлари Майя халқларининг муқаддас қарашларига ва анъаналарига асосланади. Уларнинг фикрига кўра, инсонлар сув айланиши жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади, чунки инсонлар ўзларининг танасида бўлган суви орқали унинг тўхтовсиз янгиланишида кўмак беради. Шунинг учун сув қандайдир маҳсулот сифатида эмас, балки умумий ресурс сифатида қаралади ва сув таъминотини бошқариш бутун бир ҳамжамиятнинг вазифаси ҳисобланади.

Кўпчилик ҳамжамиятлар учун бу каби тизимлар тоза ичимлик суви олишнинг ягона имкониятидир. Шу сабабли ҳам бундай тизимларни келажак авлодларга етказиб беришни давом эттириш муҳим. Бошқа жойларда ҳам анъанавий сув ресурсларини бошқариш тизимлари муҳим ҳисобланади, чунки улар ҳамжамиятларнинг ташқи сув таъминловчиларига бўлган боғлиқлигини камайтиради. Турфахил сув ресурсларини бошқариш тизимларини ҳамда уларга оид қадриятларини тан олиш ва ҳурмат қилиш, уларни кенгайтириш ва тўхтовсиз келажак авлодга бериб бориш - буларнинг барчаси сув масаласига оид муаммоларга барқарор ечим ишлаб чиқишда муҳимдир.

Ҳамжамиятлар ўзларининг табиий ва ижтимоий муҳитларига оид билимларини, ҳаётий кўникмаларини ва малакаларини тартибга солиш ва келажак авлодга етказиб бериш учун доимо ечим топиб келганлар. Ҳозирги кунда расмий таълим тизимлари мавжуд бўлган жойларда ҳам бу каби билимлар фаол ишлатиб келинади, билим ва кўникмаларни бериб боришнинг анъанавий усуллари кўлланилади. Бу билимлар турли соҳаларни ва масалаларни ўзида мужассам

этади: космологиядан ва физикадан тортиб соғлиқни сақлаш ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланишгача; инсоннинг ҳаёт давридан тортиб можароларни ва низоларни ҳал қилиш масалаларигача; ўзликни англаш ва шахснинг жамиятдаги ўрнидан тортиб коллектив хотира шаклланиши масаласигача; архитектурадан материалшунослик соҳасигача. Шунинг учун барча учун сифатли таълимни жорий қилишда бу каби бой билимлар манбасидан ёш авлодлар тўлақонли фойдалана олишлари учун имконият таъминланиши керак. Шунинг учун таълимни жорий қилишда номоддий маданий мероснинг бой манба эканлигини тан олиш ва унинг таълимга оид имкониятлари мослаштириш лозим. Бунинг учун эса номоддий маданий меросга оид билимларни тегишли соҳадаги таълим дастурларига интеграция қилиш ҳамда номоддий маданий меросни етказиб беришнинг анъанавий усуллари ва шакллари имкониятларини таълим тизимлари доирасида кенг қўллаш керак.

Халқ ижодиёти жамият ичидаги бирдамликни ва интеграцияни мустаҳкамлашга кўмак бериши мумкин. Урф-одатлар, маросимлар ва байрамлар ҳамжамиятлар ва гуруҳларнинг ҳаётини ташкиллаштиришда ва тартибга солишда ёрдам беради. Улар барчани қамраб олган ҳолда, инсонларнинг ижтимоий турмушини мустаҳкамлашда асосий роль ўйнаши мумкин. Масалан, Фрево (Бразилиядаги мусиқа, ракс ва турли ҳунарларни ўз ичига оладиган бадиий ифода тури) жамиятнинг барча қатламлари вакиллари карнавал доирасида бирлаштиради. Фрево Ресифи шаҳри аҳолисининг умумий мероси ҳисобланади. У шаҳар аҳолисида (жинсидан, ирқидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар) ўзига ҳослик ва ўтмиш билан боғлиқлик ҳиссини шакллантиради, мавжуд қадриятларни мустаҳкамлайди. Турли қатлам вакиллари Фрево мусикаси садолари остида биргаликда рақсгатушади. Кўпчилик урф-одатлар (кичик учрашувлардан тортиб кенг қўламли байрам тадбирларигача) инсонларда мансублик ҳиссини шакллантириш орқали ҳамжамият ичидаги ришталарни ва бирдамликни мустаҳкамлашга кўмак беради. Номоддиймаданий меросгендерроллари ва гендерўзлигини

шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Шундай экан, у гендер тенглигини таъминлашда ҳалқилувчи аҳамиятга эга. Айнан номоддий маданий мерос орқали ҳамжамиятлар гендерга оид ўзларининг қадриятларини, нормаларини ва қарашларини бериб боради. У туфайли ҳамжамият аъзоларида гендер ўзлиги шаклланади. Бундан ташқари, ҳамжамият аъзоларининг мероснинг айрим кўринишларидаги иштирокини ҳам гендер нормалари белгилаб беради. Мисол учун анъанавий ҳунармандчиликда гендер ролларига асосланган муайян меҳнат тақсимоли кузатилса, ижрочилик санъати турларида гендерга оид қарашлар ва роллар очиқ ифодаланиши мумкин. Номоддий маданий мерос атроф-муҳитда рўй бераётган ўзгаришларга тўхтовсиз мослашиб боргани сари, гендер ролларида ҳам ўзгаришлар юз беради. Ҳамжамиятларда гендер муносабатлари юзасидан доимо музокаралар олиб борилади. Бунинг натижасида номоддий маданий мерос билан шуғулланиш орқали гендер камситилишига барҳам бериш учун ҳамда гендер тенглигига эришиш учун кенг имкониятлар яратилади.

Номоддий маданий мерос гендер роллари ҳақида ягона қарашга эга бўлмаган кўпмиллатли ҳамжамиятларда ўзаро ишончли ва бағрикенгликни мустаҳкамлаши мумкин. Бундан ташқари у гендер тенглигига эришишнинг энг мақбул йўли юзасидан олиб борилувчи мулоқотлар учун ўзига хос замин яратиши мумкин.

Атроф-муҳитнинг барқарорлиги турғун иқлимни, табиий ресурсларнинг барқарор бошқарувини ҳамда биотурфахилликни талаб қилади. Булар ўз навбатида иқлим ўзгариши, хавфли табиий ҳодисалар, космик муҳит ва табиий ресурсларга оид чекловлар ҳақида чуқур илмий тушунча ҳосил қилишга, билимлар алмашинувини ташкил қилишга боғлиқ. Иқлим ўзгариши натижасида ҳамда табиий офатлар сабабли юзага келадиган салбий оқибатларнинг кўламини чеклашда ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини барқарорлигини мустаҳкамлаш ўта муҳим ҳисобланади. Авлоддан-авлодга тўпланиб, бойитиб борилган ҳамда номоддий маданий мероснинг ажралмас қисми бўлган анъанавий билимлар, қадриятлар ва урф-одатлар қадим замондан жамиятларнинг атроф-муҳити билан

ўзаро алоқасида ҳамроҳ бўлиб келган. Ҳозирги кунда номоддий маданий мероснинг атроф-муҳит барқарорлигига қўшаётган хиссаси кўпчилик соҳаларда тан олинади. Буларга биотурфахилликни сақлаш, табиий ресурсларни барқарор бошқариш ва табиий офатларга тайёргарлик ва уларнинг оқибатларини бартараф қилиш соҳалари киради. Тирик мерос сифатида атроф-муҳитга оид билимлар, кадриятлар ва анъаналар шаклланиши ва табиий ресурслардан барқарорроқ фойдаланишга мослаштирилиши мумкин. Бунинг натижасида эса ҳамжамиятларда иқлимнинг ўзгариши билан боғлиқ муаммоларга (ёки табиий офатларга) яхшироқ бардош бера олиш имконияти туғилади.

Халқ ижодиёти биотурфахилликни ҳимояқилишга ёрдам бериши мумкин.

Маҳаллий ҳамжамиятлар биотурфахилликни сақлашда муҳим ўрин эгалайдилар. Масалан Кениядаги Кикуйю аёллари қишлоқ хужалиги экинларини ўстиришда ва ўсимликлар уруғларини сақлашда муҳим ўрин тутадилар. Анъанага кўра, аёллар ловиянинг бир неча навини бир экин майдонида ўстирадилар ва касаллик тарқалиши ёки иқлим ўзгариши эҳтимолини ҳисобга олиб уруғларнинг катта захираларини сақлаб қўядилар. Бугунги кунда ушбу захиралар маҳаллий аҳолининг уруғ материаллари тўғрисида қимматли билимларини ўз ичига олган жуда қадрли хазина ҳисобланади. Бу эса қишлоқ хужалиги ресурслари камайиб кетаётган бир пайтда жуда катта аҳамиятга эга. Бундан кўриниб турибдики, бошқа маҳаллий билим соҳиблари каби фермерлар, чорвадорлар, балиқчилар ва халқ табиблари биотурфахилликни сақловчилари бўлиши мумкин.

Халқ ижодиёти атроф-муҳитнинг барқарорлигини сақлаб қолишда ёрдам бериши мумкин.

Дунё миқёсида инсон фаолияти натижасида табиий ресурсларнинг борган сари нобарқарор истеъмоли содир бўлаётган бир маҳалда, кўпгина маҳаллий ҳамжамиятлар табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ёрдам берадиган турмуш тарзини йўлга қўйдилар ва номоддий маданий мерос анъаналарини яратдилар. Масалан, Самоодаги юпка тўқилган гиламчалар маданий тадбирлар ўтказиётганда ўзига хос

валюта сифатида қўлланилади; ёки маросимлар пайтида ишлатилади. Вақт ўтиши билан атроф-муҳит билан боғлиқ билимлар (шу жумладан тўқимачиликда асосий ҳом-ашё сифатида қўлланилиб келадиган пандана дарахтининг турли навларини ўстиришга оид билимлар) тўқимачиликнинг ажралмас қисми сифатида кўриладиган бўлди. Бу каби билимлар Самоа аҳолисига атроф-муҳитни сақлаб қолишда ёрдам беради, чунки Самоаликлар ўзларининг фаровонлиги табиат ва атроф-муҳитга жуда ҳам боғлиқ эканлигини тушунадилар. Шуниси эътиборга лойиқки, ўсимликлардан тўқиб тайёрланган бундай маҳсулотлар табиий йўл билан парчаланади ва йўқ бўлиб кетади. Шунингдек бундай маҳсулотларнинг ҳаёт давомийлиги сезиларли даражада қисқароқ бўлиб, у экиш, ҳосилни териб олиш, маҳсулотни яратиш, ундан фойдаланиш ва уни осонликча йўқ қилишдан иборат. Бу эса бутун дунё бўйлаб оммавий қўлланиладиган ва йўқ қилиниши қийин бўлган пластмасса ва бошқа экологик жиҳатдан зарарли ҳисобланган маҳсулотлардан анча фарқ қилади.

Табиат билан боғлиқ маҳаллий билим ва урф-одатлар атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш соҳасида олиб бориладиган тадқиқотларга кўмак бериши мумкин.

Масалан, балиқчилик билан боғлиқ анъанавий билим ва кўникмаларни сақлаб қолган балиқчилар денгиздаги биотурфахилликка оид муаммоларни ҳал қилишига ёрдам берадиган бой маълумотга эга. Улар балиқларнинг табиати, феъл-атвори, миграцияси, яшаш жойи ҳамда турли фаслларга мослашган ва балиқчиликда қўлланиладиган услублар тўғрисида батафсил билимларга эга. Амалий аҳамиятга эга бўлган бу каби билимлар денгиздаги биотурфахилликни тиклаш ва сақлаб қолиш борасида олиб бориладиган илмий изланишларга кўмак бериши мумкин. Умуман олганда, ҳамжамиятлар ва тадқиқотчилар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик, шунингдек, улар ўртасидаги ўзаро илғор тажрибалар алмашинуви турли соҳаларда атроф-муҳит барқарорлигига эришишда ёрдам бериши мумкин, шу жумладан, ўрмонларни сақлаш ва муҳофаза қилиш соҳасида ёки қишлоқ хўжалигида биотурфахилликни сақлаш ва табиат ресурсларини бошқариш соҳаларида.

Тинчлик ва хавфсизлик, хусусан можаролардан, камситишдан ва зўравонликнинг барча турларидан ҳоли бўлиш барқарор ривожланишнинг дастлабки шартлари ҳисобланади. Ушбу талабларни бажариш инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан қарашни, самарали адлия тизимларини, очиқ сиёсий жараённи, можароларни олдини олиш ва ҳал қилиш бўйича тегишли тизимларнинг мавжуд бўлишини талаб қилади. Шунингдек, тинчлик ва хавфсизлик маҳаллий аҳолининг табиий ресурслардан адолатли фойдаланишини таъминлаш ҳамда унга ҳеч қандай чеклов ёки камситишсиз ердан фойдаланиш ва эгаллик қилиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ.

Номоддий маданий мероснинг турли кўринишлари ва шакллари ўзида тинчлик ғояларини мужассам этади ҳамда мулоқот ва ҳамжиҳатлиликка кўмаклашади. Меросни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларнинг ўзи ҳам тинчлик ўрнатишга ҳисса қўшиши мумкин. Шундай экан, номоддий маданий мерос ва меросни муҳофаза қилиш соҳасидаги бундай чора-тадбирлар давлатларга, ҳамжамиятларга ва барча ривожланиш жараёни иштирокчиларига маданиятларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ўз йўлларида бориш имконини беради ва кенгқамровли иштирокка эришишга, тинч-тотув яшашга, низоларни олдини олишга ва ҳал қилишга ёхуд барқарор хавфсизликни таъминлашга ва тинчликни ўрнатишга имконият яратади.

Халқ ижодиётига оид кўпчилик урф-одатлар негизида тинчликни мустаҳкамлаш ғоялари ётади.

1236 йилда Сундиата Кейт томонидан таъсис этилган Манден хартияси (Мали империясининг конституцияси) бунга яққол мисол бўла олади. У инсон ҳуқуқларига оид дунёдаги биринчи хартиялардан бири бўлиб, этник ва маданий турфахиллик шароитида ҳамжиҳатлик ва тинчлик, инсон ҳаётининг дахлсизлиги, қулликка олиш мақсадида босқинчиликларга чек қўйиш, ўз фикрини эркин ифода этиш ҳамда эркин тадбиркорлик фаолиятини юритиш каби кадриятларни ўзида мужассам этади. Хартияда айтиб ўтилган сўзлар, шунингдек у билан боғлиқ (оғзаки тарзда авлоддан-авлодга бериб борилаётган) маросимлар Малинке халқи

томонидан ҳозирги кунгача кадрланиб келмоқда. Бу хартияни таъсис этган тарихий учрашувга бағишланган хотира маросимлари ҳар йили Малидаги Кангаба қишлоғида нишонланади. Бу маросимлар маҳаллий ва миллий ҳукумат томонидан, жумладан қабила бошқарув органлари томонидан ташкиллаштирилади. Хартия ҳуқуқ манбаи шунингдек муҳаббат, тинчлик ва биродарлик ришталарини тараннум этувчи ўзига ҳос нома сифатида ҳам кўрилади. Умуман олганда, бутун дунё бўйлаб номоддий маданий мероснинг турли хил кўринишлари тинчлик кадриятларини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилишга ҳизмат қилади.

Халқ ижодиёти низоларни олдини олишга ёки ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин.

Мулоқот олиб бориш, низоларни ҳал қилиш ва муросага келишнинг маҳаллий анъаналари дунё жамиятларида муҳим ўрин эгаллайди. Аниқ ижтимоий ва экологик масалаларга жавоб бериш, умумий макондан фойдаланиш, табиий ресурсларни бошқарилишини тартибга солиш ҳамда инсонлар тинч-тотув яшашлари учун яратилган ва асрлар давомида шаклланган бундай тизимлар ўзларининг хусусиятига кўра норасмий ёки пухта ўйлаб чиқилган бўлиши мумкин. Масалан, Испаниянинг ёғингарчилиги кам бўладиган Мурсия ва Валенсия минтақаларида, фермерлар ўртасида сув ресурсларини тақсимланиши ва ирригация тизимларини бошқарилишига оид масалалар юзасида келишмовчиликлари бўлса, улар коммунал судларга мурожаат қиладилар. Мурсия оқсоқоллари кенгашининг ҳамда Валенсия сув ишлари бўйича судининг аъзолари ҳар пайшанба куни ўз ҳукмларини эълон қилиш учун йиғиладилар. Бу эълон қилинган ҳукмлар адолатли ва оқилона деб тан олинади ва бошқа фуқаролик судидаги ҳукмлар каби юридик кучга эга. Суд аъзолари фермерлардан иборат булиб, улар демократик тарзда ёки қуръа ташлаш орқали тайинланади. Улар икки тарафлама даъволарни кўриб чиқишда ўзларининг деҳқончилик, ирригация ва маҳаллий анъаналар тўғрисидаги билимларига таянади. Умуман олганда бу каби номоддий маданий мерос анъаналарининг сақланиб қолиши ҳамжамиятда тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, чунки улар

барча тарафларни жалб қилган ҳолда низоларни олдини олишда ва ҳал қилишда ёрдам беради.

1.4. Ўзбекистонда фольклор миллий музика мактабларининг пайдо бўлиши ва уларнинг ўзаро муносабатлари

Анъанавий фольклор жанрлари ва маросимий қадриятлар тизимининг локал хусусиятларини ўрганиш борасида муайян ҳудудлар, хусусан, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё ва Фарғона водийси халқ оғзаки ижоди материаллари асосида амалга оширилган изланишлар, айниқса, самарали бўлган. Ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклори жанрларининг ҳудудий-локал жиҳатларини биринчилардан бўлиб ўрганишга киришган проф. О.Сафаров Бухоро ва Навоий вилоятларининг айрим туманларидан ёзиб олинган материаллар асосида “келин ўтирсин”, “куёв ўтирсин”, “келин элтиш” ва “куёв элтиш” удумлари фольклори ҳақидаги илк тадқиқотларини чоп эттирган. С.Давлатов Қашқадарё воҳаси аҳолисининг никоҳ тўйи маросими ва улар билан боғлиқ удумларни ҳудудий ўзига хос жиҳатларини ёритган. Л.Худойқулова Сурхон воҳаси маросим кўшиқларининг тарихий асослари қадимги бактрияликлар ва кушонлар маданиятига бориб тақалишини аниқлаган. М.Жўраев “Келин тушди” маросими” рисоласида Андижон вилоятидан ёзиб олинган материаллари асосида келинни куёвнинг уйига олиб келиш жараёни билан боғлиқ удумлар ва унда айтиладиган кўшиқларни таҳлил қилган.

О.Исмонова Фарғона водийси оилавий-маиший маросимлар фольклорида “келин салом” кўшиқларининг генезиси, ҳудудий ўзига хослиги ва поэтикасини ўрганган. Хоразм тўй кўшиқларини тадқиқ этган Н.Р.Қуронбоева воҳа никоҳ тўйи маросими фольклорининг умумўзбек анъаналари билан тарихий-генетик жиҳатдан муштарак жиҳатлари ҳамда ўзига хос локал хусусиятларини аниқлаган.

Шунингдек, У.Жуманазаров, Г.Тошева, Ф.Ҳайитова ва Х.Холоваларнинг мақолаларида ўзбек никоҳ тўйи фольклорининг олқиш, ёр-ёр каби

жанрларига доир материаллар таҳлилга тортилган. Тадқиқотлар натижасида ўзбек никоҳ тўйи маросими таркибидаги урф-одат ва удумлар ҳамда уларнинг вербал компонентлари ўзига хос ҳудудий-локал хусусиятларга эгаллиги аниқланган.

Анъанага кўра, никоҳ тўйи маросими, албатта, совчиликдан бошланган. Совчилик – ўзбек халқининг азалдан эъзозланиб, муқаддас саналиб келаётган одатларидан бири. “Совчи” сўзининг келиб чиқиш тарихи қадимги туркийлар тилида “сўз”, “хабар”, “ҳикоя” маъноларида қўлланилган “сав” лексемаси билан алоқадордир. Қозоқ тилшуноси Р.Сиздиқованинг фикрича, “савчи”/“жавчы” сўзининг асосида турадиган “сав” элементи туркий тилларда “сўз” маъносини билдирувчи “сөз/сау” ўзагига боғланади.

Самарқанд вилояти туманларида совчиларнинг илк бор келиши “эшик очар” дейилса, қайта-қайта қатнаши “ковуш йиртар” деб юритилган. Пахтачи туманидаги Сулувқўрғон қишлоғида совчиларнинг илк бор ташриф буюришини “*гўсала* (яъни урғочи бузоқ) *излаб келибдилар*”, “*йитик* (яъни йўқотилган нарса, киши) *ахтариб келибдилар*” дейдилар.

Одатда, совчи бўлиб келган кишилар қизнинг ота-онасига ўз мақсадларини баён этиш чоғида: “*Сиздан битта рўмол олай деб келдик*”, “*Қизингизнинг бошини боғлай деб келдик*”, “*Эшигингизни супургани қулчиликка келдик*” каби ибораларни ишлатишади. Анъанага кўра, совчилар ўз ниятларини очик баён қилишга ўтишдан аввал ташрифдан кўзланган мақсадни эвфемик нутқ воситасида ифода қилишлари анъанавий ҳолат ҳисобланади.

Совчилар қиз томонни қудалашишга рози қилиб келишгандан кейин Жиззах вилоятининг Бахмал туманида “**қатлама тўйи**” ўтказилган. Ўша куни куёвнинг жўралари ҳам йиғилиб, ўйин-кулги қилишган. Йигитларнинг чечан ва шўхроғи қатлама билан сарполарни олиб кетишга чоғланаётган янгаларга ҳазил қилиб, қуйидагича кўшиқ айтишган:

Потма патир, жупқа қотир,
Жупқанг пишса бизни чақир!
Чечамда бор жамалак,
Кўкка чиқди камалак.

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида никоҳ тўйининг биринчи қисми билан алоқадор ўзига хос удумлардан бири – “бўта солди” ўйини мавжуд бўлиб, бу ўйин ҳақидаги дастлабки маълумот 1962 йилда фольклоршунос олима З.Хусаинова тарафидан ёзиб олинган. Анъанага кўра, катта тўйдан бир неча кун илгари қизнинг яқин дугоналари билан куёв йигитнинг жўралари келиннинг бирорта қариндоши ёки қўшнисиникида тўпланишиб, “қиз ўйин” ёки “қиз йиғин” маросимини ўтказишганида ана шу ўйин ўйналган. Қиз ва йигитлар давра қуриб ўтиришган. Бир қиз:

Бўта солай, кимга солай,
Чочи узун қизга солай,
Осмондаги ойга солай,
Чочи узун қизга солай,

деб қўшиқ айтиб, қўлидаги бўта, яъни зангори кўзли узук ёки тошчани ана шу қизлардан бирининг кафти орасига ташлаб кетган. Ўтирган йигитлар бўта қайси қизда эканлигини топишлари керак бўлган. Топган йигитга рўмолча совға қилинган, агар тополмаса, дарра, яъни тугилган рўмол билан уришган. Ўйин ана шу тартибда давом этган.

Фольклор тўпловчи Р.Саримсоқов Жиззах туманидан бу ўйин қўшиғининг қуйидаги намунасини ёзиб олган:

Ўсма экдим, ўт босди, ҳо ялли-ялли-ялли,
Барги боғимни босди, ҳо ялли-ялли-ялли,
Қарға шойи чиқибди, ҳо ялли-ялли-ялли,
Ёргинамни ғам босди, ҳо ялли-ялли-ялли.
Бўта солай, кимга солай,

Сочи узун қизга солай.

Ҳой қизгина, билмадингми,
Рўмолчамни кўрмадингми?

Кўринадики, “бўта солди” удуми кўшиғининг бу намунаси ҳар бири тўрт мисралик икки банддан иборат бўлиб, дастлабки тўрт мисра етти ҳижоли шеърий тузилишга эга. Бу матн ҳар бир мисрадан кейин такрорланувчи “ҳо ялли-ялли-ялли” қайтариғи билан кўшиб ижро этилган. Кейинги банд эса саккиз ҳижоли шеър шаклида бўлиб, поэтик такрорсиз айтилган. Банднинг охиридаги “Рўмолчамни кўрмадингми?” мисраси “бўта”ни ахтараётган йигитнинг ўйинда ғолиб бўлиб, совға сифатида қизлардан рўмолча олиш истагини ифода этади.

Халқ орасида “бўта солди” ёки “пўта солди” номи билан танилган ушбу удум никоҳ тўйи маросими таркибидаги нисбатан қадимий удумлардан бири бўлиб, пўта солиш асносида айтиладиган байтлар 1873 йилда Шарқий Туркистоннинг Или туманида яшовчи уйғурлардан Н.Н.Пантусов ёзиб олган. “Бўта солди” удуми кўшиқлари қиз ва йигитлар томонидан айтишув сифатида ижро этилиши, ўзига хос вазн ва қофия тузилишига кўра ажралиб туриши, ишқ-муҳаббат, соф севги, вафо ва садоқат, оила муқаддаслиги, инсон қадр-қимматининг улуғлиги, дўстлик, ўзаро аҳиллик ва меҳр-оқибатни тараннум этиши билан характерланади. “Бўта солди” удуми ва унинг поэтик фольклори тили асосан қорлуқ-чигил диалектига мансуб бўлган уйғур ва ўзбеклар оғзаки бадиий ижодида мавжудлиги бу жанрга мансуб маросим кўшиқлари ўтроқ деҳқончилик ва шаҳар маданияти ривожланган худудларда шаклланганлигини кўрсатади.

Назорат саволлари

1. БМТнинг “Барқарор тараққиёт” дастурининг принциплари нечта?

2. “Барқарор тараққиёт” дастурининг биринчи принципи қайси масалага бағишланган?

3. БМТнинг мингйиллик мақсадлари ва “Барқарор тараққиёт” дастуридаги энг сўнгги масала қайси муаммога бағишланган?

4. Ўзбекистон номоддий маданий мероси “Барқарор тараққиёт” мақсадларидан қай бирига хизмат қилиши мумкин (битта мерос намунасида айтиб беринг)?

5. Номоддий маданий мероснинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги роли нимада кўринади?

6. Анъанавий даволаш амалиётлари қандай қилиб барқарор тараққиёт учун хизмат қилиши мумкин?

7. Ўзбек номоддий маданий меросида сув ресурсларини бошқаришга оид анъанавий урф-одат ва амалиётлардан мисоллар келтира оласизми?

8. Атроф-муҳитнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган номоддий маданий меросимиз мавжудми?

Адабиётлар рўйхати:

1. Ш.Турдимов. Эпос ва этнос. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти 2012 й.
2. Т.Мирзаев. Ҳоди Зариф суҳбатлари. Тошкент, 2013 й.
3. Т.Мирзаев. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. Тошкент, Фан нашриёти, 1979 й.
4. М.Муродова. Фольклор ва этнография. Тошкент, 2008 й.
5. Ж.Эшонқулов. Фольклор: образ ва талқин. Қарши, Насаф нашриёти, 1999 й.
6. М.Жўраев, Ж.Эшонқулов. Фольклоршуносликка кириш. Тошкент, 2017 й.

Интернет ресурслар:

<https://www.unesco-ichcap.org/publications/>

<https://www.ich.uz>

2-мавзу: Халқ ижодиёти тарғиботида фольклор қўшиқларининг ўрни.

(2 соат)

Режа:

- 2.1. Никоҳ тўйи маросимида халқ қўшиқлари
- 2.2. Фольклор жамоалари репертуарида халқ фольклор қўшиқлари
- 2.3. Фольклор қўшиқларида анъана
- 2.4. Фольклор қўшиқларида вариантлилик
- 2.5. Фольклор қўшиқларининг жанрлари
- 2.6. Фольклор қўшиқларининг локал жанрлари

Таянч иборалар: *конвенция, маданий мерос, номоддий маданий мерос, Оператив йўриқнома, Бош ассамблея, Котибият, Репрезентатив рўйхат, ратификация, тарихий-маданий экспертиза, ансамбллар, ёдгорликлар, номоддий маданий мерос соҳалари, билим ва кўникмалар, ҳамжамият, меросни ўзида сақловчилар, нодавлат-ноҳукумат ташкилотлари.*

2.1. Никоҳ тўйи маросимида халқ қўшиқлари

Ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклори таркибидаги жанрлар уч туркумга бўлинади: а) тўйга тайёргарлик кўриш жараёни удумлари фольклори; б) никоҳ тўйида ижро этиладиган қўшиқ ва айтимлар; в) никоҳ тўйидан кейин ўтказиладиган маросимлар фольклори. Шу жиҳатдан олганда, Ўрта Зарафшон воҳаси ўзбек никоҳ тўйи маросимининг ҳар бир босқичига мансуб фольклор жанрлари ранг-баранглиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ўрта Зарафшон воҳасининг Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятлари худудида яшовчи аҳоли томонидан ўтказиб келинган никоҳ тўйи маросимининг иккинчи босқичига мансуб удумлар фольклори тизимида “байтбарак айтиш” анъанаси алоҳида ўрин тутган.

Маълумки, “байт-ғазал” тўй маросимининг қиз ўйин кечаси, қайлик ўйинида, унаштирилган йигитлар қизларга байрам ва сайилларда миянча (яъни қанд-курс, қуруқ мевалар, нон ва чойдан иборат зиёфат) берганларида, хашарлардаги зиёфатларда бир-бирига чой узатаётганда чолғусиз айтиладиган қўшиқлардир”. Қиз ва йигитларнинг ўзаро айтишуви тарзида

ижро этиладиган бу жанрга оид кўшиқлар ҳозирги пайтда туркий халқлардан фақат иккитасида – ўзбек ва уйғур фольклорида сақланиб қолган. О.Боқиевнинг ёзишича, “Уйғур байтлари йигит қизга ёки қиз йигитга гул тутганда, чой узатганда, олма ёки бошқа мева берганда, қисқаси, бир нарсани чин кўнгилдан ҳадя этганда (ёш-қари бўлишидан қатъи назар), орзу-истакларнинг баёни ўрнида айтилади”.

Зарафшон воҳаси худудидаги Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида олиб борилган изланишлар давомида баъзи жойларда никоҳ тўйларида байт айтиш удуми сақланиб қолганлиги аниқланди. Келин тушириш тўйидан бир кун аввал келиннинг дугоналари билан куёвнинг жўралари, шунингдек, ҳар икки тарафнинг энг яқин қариндош-уруғлари ва кўни-кўшни аёллар иштирокида икки томонда туриб тарафма-тараф айтишуви одати “байтбарак айтиш” дейилади.

Бу маросимда қиз ва йигитларнинг зукколиги, топқирлиги ва ҳозиржавоблиги ўз ифодасини топган:

Йигит:

Қия-қия, қия жўл-а, Қиялаб ўтдим
билмадинг. Чақиргани уялиб-о,

Ишқириб ўтдим билмадинг.

¹ Пантусов Н.Н. Материалы к изучению наречий таранчей Илийского округа. – Казань, 1907. – С. 27–28.

² Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 203–204.

Ушбу байтбаракда “қия” сўзини уч марта қайтариш, яъни поэтик такрор усулини маҳорат билан қўллаган ижрочи иккинчи мисрани ҳам ушбу ўзак асосида ясалган феъл шакли (“қиялаб”) билан бошлаши, биринчидан, матнга ўзига хос оҳангдорлик, жозибадорлик бахш этган бўлса, иккинчидан, туркий халқлар шеърятининг қадимий бадиий воситаларидан бири – аллитерация санъатини юзага келтирган. Бу бадиий санъат мазкур байтбаракнинг кейинги бандларида ҳам ғоят фаол қўлланилган (“ўтирувдим” – “ўй”; “бўз” – “бўй”; “қуриб” – “қув” каби).

Жиззах вилоятидан ёзиб олинган байт (“байтбарак”) жанрига мансуб поэтик матнлар ўзининг мазмунан воқебандлик касб этиши, халқимизнинг қадимий урф-одатлари, инонч-эътиқодлари ва расм-русумларини ўзида ифодалаш, бадиий жиҳатдан мукамаллиги, аллитерация, поэтик такрор, рамз, параллелизм, эпитет, ўхшатиш сингари бадиий воситалар кўп қўлланилиши билан ўзига хослик касб этади.

Ўзбек никоҳ тўйи маросимининг бевосита никоҳ тўйининг ўтиши жараёни билан алоқадор расм-русумлар ва удумлар фольклорида “ёр-ёр”, “ўлан” сингари жанрлар қаторида “куёв ўтирсин”, “келин ўтирсин” маросимларининг айтимлари ҳам муҳим ўрин тутди.

Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги Сулувқўрғон қишлоғида яшовчи 69 яшар Фотима опа Қурдош қизининг айтишича, куёвни келиннинг

уйига олиб бораётган пайтда йигитларнинг олдида борадиган “куёвбошлатар”, яъни куёвнинг энг яқин жўраси куйидаги кўшиқни айтган:

Монг-монг босган монг босган, Бўрбойини
тенг босган.

Нор туядай ангишлаб, Ғўч ғўнандай ирғишлаб,
Куёв келди кўрингиз!

Ҳамёнидан тилла
сочиб, Ўз бахтини ўзи
очиб,

Ларзон минан қадам ташлаб,
Жўралари йўл бошлаб,

Куёв келди кўрингиз!

Мазкур маросим кўшиғида куёв таърифига асосий эътибор қаратилган бўлиб, уни “нор туя” ёки “ғўч ғўнан”га ўхшатиш орқали куёвнинг айни куч-қувватга тўлганлиги, жисмонан бақувватлиги, оила қуришга тайёр эканлиги баён этилса, “ҳамёндан тилла сочмоқ” бирикмаси орқали унинг бой-бадавлатлиги, серҳиммат ва қўли очиқ эканлиги англашилмоқда. Ўзбек халқ шеърлятига хос анъанавий поэтик тузилишга эга бўлган ушбу кўшиқ етти ва саккиз ҳижоли беш мисрадан иборат бандлар тузилиши асосига қурилган. Кўшиқнинг қофияланиш тартиби “а-а-б-б-в” тарзидадир.

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида куёв ва унинг жўралари келини олиб кетиш учун қизнинг уйига келишганида куёвни кутиб олиш чоғида ўзига хос айтим-кўшиқлар айтилади. Куёв ва унинг жўралари дарвозадан киришгач, келин томон аёллардан бири “Хуш келдингиз” кўшиғини айтади:

Дарвозани бошига,
Каклик кўниб
йўрғаласин, Ўрта
бўйли, қалам қошли,
Куёв бола, хуш келдингиз.
Орқасидан бирга келган,
Жўралари, хуш келдингиз².

Бу қўшиқда қўлланилган “каклик” поэтик тимсоли куёв образининг бадий аниқловчилари бўлиб, “дарвозанинг бошига каклик қўниши” куёвнинг қиз хонадонига келганлигига ишорадир.

“Келин тушди” маросими куни қизнинг уйига келган куёв ва унинг жўраларини янгалар алоҳида безатилган уйга олиб кириб зиёфат қилганлар, дастлаб уларнинг олдига “тўққиз товоқ” қўйилган. “Тўққиз товоқ” қўйишдан аввал ҳамма йигитлар ўтирса-да, куёв ўтирмасдан бошини эгиб хурмат бажо

келтирган ҳолда тикка тураверади. Шунда куёвжўралар келиннинг онасини чақирадилар. Қайнонаси кириб келади ва куёвга ўзининг энг яхши кўрган нарсаларини, одатда, қизил тусли сигири билан қўй-қўзиларини ҳадя этган. Ўша пайтда кайвони ёки келин тараф аёллардан бири:

Куёвгинам айлансин-о,

Зар-бахмалга

белансин-о,

Қизил сигир, бир қўй-қўзи,

Шу куёвимдан айлансин-о.

Лангар отам қўлласин-о,

Хизр ота йўлласин-о.

Қўй ҳайдаин қўтонига,

От бойлайин арқонига,

Айналайин ойгинамдан,

Сув олайин

сойгинамдан, Гўжа

туйиб буғдойимдан,

Бахт тилайин худойимдан, – деб қўшиқ айтади.

Ушбу маросим қўшиғида куёвга бахтли ҳаёт, фаровон турмуш ва қут-барака тилаш ғояси етакчилик қилади. Эзгу ният билан ўзининг қайлиғини

олиб кетиш учун қайнотасининг хонадонига ташриф буюрган куёв ҳамиша “зар-бахмалга беланиб” юриши, яъни янги қурилаётган оила ҳеч қандай кам-кўстсиз, ўзига тўқ яшашига бўлган истак ифодасидир.

Ҳар бири олти мисрадан иборат банд тузилишига эга бўлган бу қўшиқ етти ва саккиз ҳижоли шеърий ўлчов асосига қурилган. Қўшиқда маҳорат билан қўлланилган аллитерация воситаси “қўй – қўтон”, “от – “арқон”, “айланайин – ойгинам”, “сув – сойгинам” сўзларининг бош ҳарфлари, яъни “қ”, “о”, “а”, “с” ҳарфларини билдирувчи товушларнинг ўзаро ёнма-ён келишидан ҳосил бўладиган оҳангдошли матннинг муסיқий нафосати ҳамда бадиий жиҳатдан гўзал бўлишини таъминлаган.

Ўрта Зарафшон воҳасида истиқомат қилувчи аҳоли орасида урф бўлган анъанага кўра, келинни куёвнинг уйига олиб келишгач, “келин ўтирсин” удуми ўтказилган. Жиззах вилоятининг Зомин тумани қишлоқларида келин қайинларининг ҳурматини қилиб ўтирмаётганлигини кўрган қайнона эса эзгу тилак-истакларини билдириб, атаган нарсасини келинига ҳадя этади ва уни ўтиришга ундаб:

Ой қизим, ойдин
қизим, Кундай
ўғлимни бердим,
Қўю тўқлимни бердим, ўтира қолинг!
Кенг ҳовлини бердим,
Ўчоқ бошини бердим, ўтира қолинг! – дейди.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги Уйшун қишлоғида истиқомат қилувчи Ражаб момо Худойқулованинг айтишига қараганда, келинни куёвнинг уйига олиб келиб, чимилдиққа киргизилгандан сўнг қайнонаси келади ва келинининг ўтиришига ижозат бериш учун:

Куллаб ётган кулимни
бердим, Гуллаб ётган еримни

бердим, Бисотимда боримни
бердим, Ҳовлимдаги
болимни бердим, Қозикдаги
молимни бердим,

Ўтирсин келин, ўтирсин, – деган айтими ижро этади. Ана шундан кейин, келин чимилдиқ тутилган уйга ёзилган кўрпача устига ўтиради.

“Келин ўтирсин” маросими ва унда ижро этиладиган айтими-кўшиқлар келинни янги хонадонга қабул қилиш ҳамда рамзий маънода унга уй-рўзғор юмушларини топшириш вазифасини бажаради. Қайнона (ёки қайнота) томонидан айтиладиган айтими ҳамда шу орқали ҳадя этилаётган нарсалар (уй, ўчоқ, сигир, қозон ва ҳ.к.) келин тушган оила тимсоли бўлиб, бу нарсаларнинг берилиши орқали келин янги оиланинг ҳақиқий аъзоси, эгаси сифатида қабул қилинаётганлигини англатади. Бу маросим айтимиларида қўлланилган “кул” сўзи ҳам рамзий маънога эга бўлиб, ўчоқ (олов) култи билан боғлиқдир.

Ўрта Зарафшон воҳаси никоҳ тўйи маросимида “кампир ўлди” удуми “ит ириллатар” одати ўтказилгандан кейин бажарилган². Куёв чимилдиқ тутилган уйга кираётган пайтда эшик остонаси олдида ўтирган увалижували, ўзидан тиниб-тинчиб кетган, бир никоҳ кўрган, пиру бадавлат бир кампир (баъзан икки кампир икки томонда туриб) итга ўхшаб “ириллаб”, куёв этагининг баридан тишлаб тортган. Куёв ёки унинг жўраларидан бири ана шу кампирга бирор нарса – пул, совға бергач, у куёвни ичкарига ўтказиб юборган. Шу тариқа “ит ириллатар” удуми ниҳоясига етгач, “кампир ўлди” маросими ўтказилган. Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Лойқа қишлоғида келин-куёв чимилдиққа киргач, бир қари кампир битта ёш болани кучоқлаб уйнинг бурчагида этади. Бироз муддат ухлагандай бўлиб ётгандан кейин ўрнидан туради-да шундай дейди:

Бир туш кўрибман,

Ажаб-ажаб иш кўрибман.

Олдир бешик ёнида,

Қўчқордай ўл кўлида,

Давлатми, фарзандми, иш кўрибман.

Никоҳ тўйи маросимидаги “кампир ўлди” удумида келин кирадиган уй остонаси олдида кампирнинг “ўлиши” ҳам ана шундай “ўзга олам” (яъни келин учун янги муҳит ҳисобланган куёв хонадони)га ўтиш йўлидаги бартараф этилиши зарур бўлган рамзий тўсиқ ҳисобланган. Қадимий мифнинг ритуал-маросимий талқинига айланган ушбу удумнинг бажарилиши чоғида муайян совға-салом эвазига кампирнинг “тирилиши” рамзий маънода “ўзга олам”га ўтаётган келин-куёвнинг ўлиб-тирилишини ҳам англаган. Натижада келин билан куёв янги моҳият касб этадилар, улар “бўй қиз” ва “йигитлик” олами ҳудудини тарк этиб, “эр-хотинлик” дунёсига ўтадилар. “Ўзга олам”га ўтган миф қаҳрамонлари янги ном билан аталганлиги сингари никоҳ тўйидан кейин қиз билан йигитнинг ҳам номлари ўзгаради (қиз

→келин→хотин→она; йигит→куёв→эр→ота).

Шунингдек, Ўрта Зарафшон воҳаси никоҳ тўйи маросимининг анъанавий жанрларидан бирининг номини билдирувчи “олқиш” жанри атамасининг қўлланиши, этимологияси ва ижро ўрни, “ололасиз-ололмайсиз”, “тухум солар”, “чироқ айлантирар”, “шарбат айтишув” каби удумларида ижро этиладиган айтим ҳамда қўшиқлар ҳам таҳлилга тортилган.

2.2. Фольклор жамоалари репертуарида халқ фольклор қўшиқлари

Миллий кадриятларимиз тикланишига кенг йўл очилган, маънавият ва маърифат жамиятимиз ривожланишининг етакчи омили эканлиги ҳақиқатга

айланган ҳозирги шароитда халқ ижодиёти намуналарини, фольклор мусиқа санъати бойликларини ўрганиш ва кенг тарғиб қилишга қулай имкониятлар яратилди. Зеро, инсон маънавият дунёсининг бойлиги ва онгининг мусаффолиги, ҳар қандай жамиятнинг етуқлигини таъминлашда фольклор мусиқа санъатининг аҳамияти жуда каттадир.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, – “Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади. Мен миллий истиқлол ғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган дунёда ўзлигимизни англаш бизнинг кимлигимизни қандай буюк аجدодларимиз меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшашга – бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур деб биламан”.

Аждодларимиз томонидан яратилган ва бизга мерос бўлиб қолган бетакрор фольклор хазинасини келажак авлодларга янада ривожлантириб, янада сайқаллаб етказиш давр талаби бўлиб турган ушбу кунда фольклор санъатини фан сифатида таълимнинг барча тизимларида ўқитиш, таълим стандартларига жавоб берадиган янгиликлар ва ўқув қўлланмалар яратиш вазибалари долзарб бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 1-ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарорида таърифланганидек – “Ҳар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти энг аввало унинг оғзаки ижоди фольклор санъатида, дoston ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади”.

Собиқ «шўро»лар даврида ўзбек халқининг миллий қадриятлари: удумлари, урф-одатлари, мусиқа мероси, фольклор мусиқа ижрочилиги “эскилик сарқити” сифатида чегаралаб қўйилган эди ва бу халқ ижоди унутилиб кетаётган эди. Шу сабабли, халқимизнинг энг қадимий куй-қўшиқлари, рақсларини ижро этишга, тарғиб қилишга йўл ёпилган эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришган кунлардан бошлаб, санъат ва маданият ходимлари, санъатшунослар, этнографлар, фольклоршунослар зиммасига юксак маъсулият юкланди. Бу маъсулият - миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, миллий мусиқа меросимиз хазиналарини қидириб топиб, қайта жонлантириш бўлди. Фольклор мусиқа санъати қисқа давр ичида қайта тикланди ва ўсди, ривож топди. Республикаимизнинг барча вилоятларида фольклор жамоалари ташкил этилди. Мамлакатимиз бўйлаб барча оммавий тадбирларда, умумхалқ байрамларида фольклор жамоалари иштироки таъмин этилди. Фольклор фестиваллари, кўрик-танловлар ташкил этилди. Бунинг натижасида халқ орасида фольклор ижрочилиги янада ривожланди, профессионал фольклор ижрочилари етишиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устивор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган. Унда шундай таъкидланган – “Олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш долзарб вазифамиздир”.

Фольклор мусиқа санъати намуналарини тўплаш, уни ўрганиш ва замонавий ижрога мослаб, халқ эътиборига ҳавола этиш, шу орқали миллий кадриятларни ўрганиш, ҳар бир даврда ҳам долзарб бўлиб келган. Тарихий, илмий ва адабий асарлар муаллифлари баъзан ўзгартирилган ва қайта ишланган шаклда, кўпинча эса мазмуний баён тоарзида фольклорга мурожаат этганлар.

Фольклор термини инглизча Folk – халқ ва lore – донолик сўзларидан ясалган бўлиб, халқ донолиги, донишмандлиги, ҳунармандлиги, санъаткорлиги маъноларини билдиради. Бу термин илк мартаба 1846 йилда Вильям Томс томонидан илгари сурилган ва шундан бошлаб халқаро миқёсда ўзлаштирилиб келинади. Фольклорни фан сифатида ўрганиш XVII асрда Англия университетларида йўлга қўйилган. 1860-1870 йилларга келиб, Россия университетларида ҳам фольклор фан сифатида ўрганила бошланди.

Ўзбекистода фольклорни ва фольклор мусиқа санъатини фан сифатида ўрганиш XX асрнинг бошларидан бошланди. 1920 йилларда Ғулом Зафарий, Элбек, Музайяна Алавиялар вилоятларга сафарлар уюштириб, фольклор мусиқа намуналарини йиғдилар. 1930-1940 йилларда улар сафига Мансур Афзалов, Шарифа Абдуллаева, Шариф Ражабийлар, кейинчалик эса Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Шокир Сулаймон, Шариф Ризолар келиб қўшилдилар ва фольклор билан шуғулландилар.

Халқ оғзаки ижоди – фольклор қабила, уруғ, элатлар ва халқларнинг миллий оғзаки бадиий ижодиёти ҳисобланиб, у ана шу қабила, уруғ, элат ва миллат, халқларнинг ҳаёт тарзи, удуми, яшаш шароитлари психологиясини акс эттиради. Уларда фольклор довюраклик, мардлик, жасорат, дадил ҳаракат, дадил фикрни тўла ифодалайди. Фольклорнинг пайдо бўлишида меҳнат асосий рол ўйнаган. Одамлар энг қадимги даврларданок ерда тез югуришни орзу қилганликлари туфайли ёввойи отларни қўлга ўргатиб, от

минишни ўрганганлар. Дарёда унинг оқимидан ҳам тез сузиш истагида эшкак ва елканни ихтиро қилишига олиб келди, узоқдан туриб душман ёки йиртқич ва ов ҳайвонларини даф қилиш учун палахмон ва камон каби қуролларни ясадилар. Инсонлар мато тўқишни, яхши турар-яшаш жойи – кулба, душман ҳамласига дош бера оладиган кўрғонлар қуришни ҳавас қилдилар ва уларга эришдилар. Шу залда меҳнат ва яшаш жараёни оғзаки сўз санъатининг хилма-хил характер касб этишини таъминлади. Оғзаки сўз санъати пайдо бўлиши жараёнида ибтидоий одам сўзнинг илоҳий-сеҳрли қудратига сиғинар, шу асосда ўз ҳатти-характларини белгилар ва ўз меҳнатининг самарасини баҳолар эди. Натижада сўз маросим билан боғлана бошлади, у ёки бу маросимлар моҳиятини ифода этди.

Шундай қилиб, фольклор халқ орзу-умидларининг ҳаётдаги ифодасидир. Унда халқнинг оғир турмуш тарзи, табиат ҳодисаларига бўйсинишга мажбурлиги, онг ривожланмаганлиги сабабли яшашнинг оғирлиги тасвирланиши билан бир қаторда, яхши турмуши, овлардаги мувофақиятлари, эртанги кун тўғрисида фикр-ўйлари, орзу-истаклари ҳам ўз ифодасини топгандир. Фольклор энг қадим замонлардан бошлаб тарихга, тарихий воқеа ва ҳодисаларга, ижтимоий ўзгаришларга ҳамроҳ бўлиб келди.

Фольклор қадимий сўз санъати сифатида юксак бадиийлиги билан ажралиб туради. Унда воқеликни ифодалашнинг эртак, дoston, мақол, кўшиқ, топишмоқ сингари хилма-хил жанрлари шаклланган. Фольклорда тасвирланган воқелик вақт-замон эътиборига кўра ўтмишга дахлдор, шу сабабли у ёки бу жанр табиатида, шунингдек, тил хусусиятларида ўша қадимийлик излари сақланиб қолинган.

Халқ оғзаки бадиий ижоди асарлари узоқ муддатли ижодий жараёнда, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга устоздан-шогирдга ўтиб юзага келади ва яшайди. Шунини айтиш ўринлики, фольклор қадим замонларда жамоанинг оммавий ижоди сифатида юзага келиб, унинг илк намуналари жамоа ижросига мўлжалланган. Ўша замонларда яқка ижодкор жамоадан ҳали

тўла-тўкис ажралиб чикмаган эди. Даврлар ўтиши билан алоҳида яккахон ижрочилар: кўшиқчилар, эртакчилар, бахшилар кизикчилар, халфалар ўз маҳоратлари билан кўрина бошладилар.

Фольклорда оғзакилик – халқ ижодиётининг яшаш ва яратилиш тарзидир. Чунки у ҳам ёзув кашф қилинмаган узок ўтмишдаги аждодларимиз туриш-турмушининг, дунёқараши ва эътиқодининг, кураши ва мағлубиятларининг ифодачиси сифатида юзага келган. Фольклор хотира манбаидан, хотиранинг оғиздан-оғизга ўтиб юришидан туғилган. Фольклор мусиқа асари оғзаки айтилади, куйланади, бадий адабиёт эса фақатгина ўқилади. Фольклор асари оғиздан-оғизга ўтиши туфайли шаклан ва мазмунан ҳар қанақа ўзгаришга учрамасин, бу ҳол унинг ғоявий-бадий ва эстетик қимматини туширмайди. Чунки, фольклорнинг ижодкори халқдир.

Фольклор мусиқа санъатида анъанавийлик ўзига хос хусусиятлардан бўлиб, унинг ғоявий-эстетик моҳиятини белгилайди. Анъанавийлик халқ ижодида у ёки бу асар матнининг оғиздан-оғизга ўтиши жараёнида нисбатан барқарорлигинингина англаиб қолмайди, балки ўша асарнинг авлоддан-авлодга ўтиши жараёнида дастлабки ижросига хос хусусиятларни, куйи ва шаклини, ифодавий воситалари ва қаҳрамонларини нисбатан ўзгармаган ҳолда сақлаб қолганини ҳам англайди.

Анъана – жамоа ижодкорлигининг маҳсули, шу билан бирга, фольклор асарларини жамоа ҳамда якка ҳолда сақлаб қолишнинг ҳам ўзига хос шакли ҳисобланади. Оғзакилик фольклорнинг ўзгармас шакли бўлиб, ўз навбатида, хотирада сақламоқни, ёддан айтишни, эсламоқни тақозо этади. Ўзбек бахшилари орасида қирқдан зиёд анъанавий дostonларни, қанчадан-қанча термаларни билган, куйлаган, яна ўзи яратганлиги анъанавий эҳтиёжнинг маҳсулидир. Шу билан бирга анъанавийлик фольклор мусиқанинггина эмас, балки халқ мусиқаси, рақси ва амалий санъатининг ҳам ўзига хос белгиси ҳисобланади. Анъанавийлик ўзининг ижтимоий-тарихий манбаларига эга. Чунки, фольклорнинг илк намуналари ибтидоий жамиятда яралган, уларда

ўша замон кишиларининг нисбатан қарор топган урф-одатлари ва ҳаётга оид қарашлари акс этган. Бу ҳол фольклор асарлари шакли, сюжети, образлари ва мотивларининг барқарорлик касб этишини таъминлаган.

Вариантлилик - фольклор мусиқа санъатининг яшаш тарзидир. Халқ ижодиёти намуналари жонли ижро жараёнида хилма-хил вариантлардагина яшайди. Вариантилик фольклор мусиқа асарларининг табиати, унинг яратилиши ва жонли оғзаки ижодда яшаш қонуниятларидан келиб чиққан хусусият бўлиб, у фольклор асарларининг сюжети, образлилиги, поэтикаси, жанр хусусиятларини тўла қамраб олади.

Вариант – маълум бир асарнинг жонли-оғзаки эпик анъана заминидан вужудга келиб, бир-бирини инкор этмасдан ёнма-ён яшай оладиган ва ўзаро фарқланувчи турли-туман нусхалардир. Мисол учун, “Қошиқ ўйин”и Республикамиз вилоятларида ҳар хил вариантларда ижро этилади. Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари фольклор мусиқа санъатида бу рақс қадимдан мавжуд, лекин ҳар бир вилоятда рақс ҳар хил вариантда ижро этилади.

Вариантлиликнинг муҳим бир хусусияти воқеа ичида мавжуд бўлишидир. Бинобарин, воқелик бирмунча кенг ҳодиса бўлиб, у асарда олға сурилган ғоявий, шунингдек, асарнинг композицияси ва бадиий тасвир воситалари жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилувчи халқ оғзаки ижодининг бир сюжет ва бир жанрдаги намуналаридан иборат. Шундай қилиб, фольклор мусиқа санъатида вариантлилик фольклор асарларининг халқчиллигини, оммавийлигини ҳамда тарқалиш чегараларини белгилайди.

Назорат саволлари

1. *НММ Конвенцияси Ўзбекистонда қачон ратификация қилинган?*
2. *Ўзбекистон қачондан НММ Конвенциясининг иштирокчисига айланди?*

3. Ўзбекистонда НММ муҳофазаси билан боғлиқ Давлат дастури қачон қабул қилинган?
4. Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қачон тасдиқланган?
5. Қонунчиликка НММ билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар қачон киритилган?
6. Ўзбекистонда НММнинг нечта рўйхати юритилиши белгиланган?
7. Рўйхатлар ким томонидан тасдиқланади?
8. Рўйхатларни юритиш тартиби қайси ҳужжатда белгиланган?
9. Тарихий-маданий экспертиза ким томонидан ўтказилади?
10. Давлат дастури нечта банддан иборат?

Адабиётлар рўйхати:

1. Маданият соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар тўплами. Ўз.Р.Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, 2010 й.
2. List of Intangible Cultural Heritage in Need of Urgent Safeguarding. UNESCO, 2009.
3. Basic Text of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage, UNESCO, 2014, Paris.
4. Ў.Тошматов, Н.Исакулова. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (монография). Тошкент, 2015 й.
5. Основные тексты Международной конвенции об охране нематериального культурного наследия. ЮНЕСКО, 2014 г.

3-мавзу: Бахшичилик халқ ижодиётининг муҳим йўналиши сифатида (2 соат)

Режа:

- 3.1. Халқ оғзаки ижодининг жанрлари
- 3.2. Бахшичилик санъати
- 3.3. Бахши ижрочилиги мактаблари ва ижро йўналишлари
- 3.4. Болалар фольклори

Таянч иборалар: *БМТ, ЮНЕСКО, иштирокчи давлат, Оператив йўриқнома, Бош ассамблея, Ҳукуматлараро қўмита, Котибият, Репрезентатив рўйхат, ратификация, номоддий маданий мерос соҳалари, билим ва кўникмалар, ҳамжамият, меросни ўзида сақловчилар, нодавлат-ноҳукумат ташкилотлари, Миллий дастур.*

3.1. Халқ оғзаки ижодининг жанрлари

Фольклор асарлари ҳам, барча санъат намуналари каби ўзларининг тузилиши, бадий хусусиятлари, қўлланиш ўрни ва бажарган вазифаларига кўра муайян жанрларга бўлинади. Жанр ва жанрий хилма-хиллик тушунчалари жуда узоқ даврлар мобайнида вужудга келган барқарор шакллар бўлиб, у секинлик билан ўзгариб боради. Қадимги грек философи Аристотель, немис философи Гегел, рус демократи Белинскийлар бадий ижоднинг уч тури: эпос, лирика ва драма мавжудлигини эътироф этадилар. Жанр деганда фольклоршунсликда бадий шакл типлари: эртак, достон, мақол, лофлар, кўшиқлар тушунилади. Ўзбек фольклори жанрлари ижодкорлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Топишмоқ, мақол сингари жанрлар оммавий характерга эга бўлса, достон, оғзаки драма, эртак, аския ижроси профессионал тайёргарликни тақозо этади. Шу сабабли ўзбек фольклорида халқ ижодкорларининг профессионаллашуви ниҳоятда ривожланган бахшилар, эртакчилар, аскиябозлар, кизиқчилар, дорбозлар ижрочилиги ривожланган профессионал санъат ҳисобланади. Ўзбек фольклори жанрлари ижро усуллари, яъни якка ижро, жамоавий ижро, созли ва созсиз ижрога кўра фарқланадилар.

Эртак афсона ва ривоят айтилса “ҳикоя” қилинса, достон ҳам куйлаш, ҳам айтишга мўлжалланган. Лапар куйлаб ва рақсга тушиб ижро этилса, оғзаки драма сўз ва ҳаракат омухталиги замирида кўрсатишга, намоёиш қилишга мўлжалланади. Латифа ва лоф якка ижрода куйланади. Қўшиқнинг шундай турлари борки, якка ижрода, қолганлари жамоа ижросида куйланади. Аския ва оғзаки драма ҳам жамоа ижросига мўлжалланган.

Биз маданий мерос деганда аксарият ҳолларда моддий маданий меросни кўз олдимишга келтиришга ўрганганмиз. “Номоддий маданий мерос” тушунчаси ўрнида анъанавий равишда “ҳалқ ижодиёти”ни тушуниб келганмиз. “Халқ ижодиёти” тушунчаси остида эса рақс, мусиқа, томоша санъати, миллий ҳунармандчилик ва халқ оғзаки ижодиёти назарда тутилган. Конвенцияга асосан “номоддий маданий мерос” тушунчаси “ҳалқ ижодиёти”га қараганда кўпроқ нарсани қамраб олади.

Унга асосан номоддий маданий мерос қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- ўзликни намоён этишнинг оғзаки анъаналари ва шакллари;
- ижро санъати;
- жамиятнинг урф-одатлари, маросимлари, байрамлари;
- табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар;
- анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар.

Ўзликни намоён қилишнинг оғзаки анъана ва шакллари бизнинг тушунчамиздаги халқ оғзаки ижодининг ўзидир. Халқ оғзаки ижодида тил муҳим рол ўйнайди. Чунки тил ушбу меросни ифодалашда ва келгуси авлодга етказишда энг асосий восита бўлиб хизмат қилади. Халқ оғзаки ижодининг тур ва жанрлари жуда кенг. Унинг таркибига миф, афсона, ривоят, эртак, мақол, матал, достон, масал, ҳикматли сўзлар, тез айтиш ва бошқа жанрлар, мухтасар қилиб айтганда халқ меросининг оғзаки равишда ифодаланадиган барча тур ва жанрлари киради.

Миф (афсона, ривоят, асотир) қадимги одамларнинг борлиқ олам ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсонлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудалар ва илоҳлар тўғрисидаги этиқодий қарашларни ўз ичига олган. Қадимда халқларда бўлгани каби, Марказий Осиё мифлари мазмун ва моҳият жиҳатдан қуйидаги турларга бўлинади:

- олам яратилиши ва ҳаёт пайдо бўлиши ибтидо ҳақидаги мифлар;
- осмон жисмлари ва табиат ҳодисалари ҳақида ҳикоя қилувчи самовий мифлар;
- Геракл, Гилгамеш, Ҳубби, Алпомиш каби ғайриоддий ҳислатга эга бўлган афсонавий паҳлавонлар ҳақидаги антропогенетик мифлар;
- муаян эътиқодлар билан боғлиқ (масалан, мўл ҳосил сўраш, ўсимлик ёки оловга топиниш) сиғиниш мифлари;
- халқларнинг келиб чиқиши (масалан 92 та ўзбек уруғларининг пайдо бўлиши) билан боғлиқ этногенетик мифлар;
- тақвимий мифлар (масалан чилла, айём ажуз, аҳман-дахман ва ҳқз. ҳақида);
- оламнинг интиҳоси ҳақидаги эсхатологик мифлар.

Мифлар “Авесто”, “Илиада”, “Рамаяна”, “Шоҳнома”, “Калевала”, “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби адабий ёдгорликларнинг яратилишида ҳам салмоқли ўрин тутган.

Ривоят воқеа ва ҳодисаларни, инсон фаолиятини баъзан уйдирмалар воситасида, баъзан реал тасвирловчи фольклор жанридир. Ҳажми қисқа, 2-3 эпизоддан ошмайди, анъанавий шаклга эга бўлмайди. Одатда бир ҳикоячи баёнидан бошланиб, оғиздан-оғизга ўтиш жараёнида эркин талқин қилинади. Мазмунига кўра ривоятлар тарихий ҳамда топонимик бўлади. Тарихий ривоятда бирор тарихий шахс ёки халқ қаҳрамони билан боғлиқ ҳодисалар ҳикоя қилинади, ахлоқ ва одобнинг идеал меъёрлари ташвиқ этилиб, муайян

фактлар ҳақида ахборот берилади. Бундай ривоятлар, хусусан Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Бобур, Машраб ва бошқа буюк шахсларнинг ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар асосида ҳам яратилган. Топоним ривоятларда эса шаҳар, қишлоқ, кўрғон, сарой, мақбаралар номи ҳамда уларнинг юзага келиши сабаблари билан воқеалар ҳикоя қилинади. Одатда хотимасида ҳикоядан мақсад таъкидланади ва муайян факт изоҳланади. Ўзбек ривоятлари бизгача оғзаки, қисман ёзма шаклда етиб келган.

Матал - муайян ҳаётий ҳодисани аниқ ва тўғри белгилаб берадиган образли ифода, ибора. Маталда ўхшатиш, таққослаш, киноя, қочириқ сўз каби бадиий воситалардан фойдаланилади. Мажозий иборанинг ўз асл маъноси билан кўчма маъноси ўртасида яқинлик, мантиқий боғланиш бўлиши лозим. Матал бир ёки бир неча жумладан тузилади, улар орасида қофияланиш ҳамиша ҳам сақланмайди. (Масалан: “*Шамол бўлмаса дарахтнинг шоҳи қимилламас*”, “*Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит!*”).

Мақол бу халқ оғзаки ижод жанри бўлиб, қисқа ва лўнда, образли, грамматик ва мантиқий тугал маъноли хикматли ибора, чуқур мазмунли гап. У муайян ритмга эга бўлиб, авлод-аждодларнинг ҳаётий тажрибалари, жамиятга муносабати, тарихи, руҳий ҳолати, эпик ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатлари мужасамлашган. Асрлар давомида халқ орасида сайқалланиб, ихчам ва содда поэтик шаклга келган. Мақоллар мавзу жиҳатидан ниҳоятда бой ва хилма-хил. Туркий халқлари мақолларидан намуналар дастлаб М.Қошқарийнинг “Девону луғот-т-турк” асарларида келтирилган. Бу мақолларнинг бир қанчаси ҳозир ҳам ўзбек халқи орасида турли вариантларда ишлатилади.

Масал – дидактик адабиёт жанридир. Бу таълимий характердаги, аксарият кичик шеърий, баъзан насрий шаклдаги асар. Масалда инсонга хос хусусиятлар, жамиятга хос ижтимоий ҳодисалар, қушлар ва ҳайвонлар орасидаги муносабатлар, табиат ҳодисалари воситасида акс эттирилади.

Мазмуни мажозий асосида қурилиб, комикликнинг ва киноянинг, ижтимоий мотивликнинг устунлиги масалга ҳажвий рух бағишлайди. Масалнинг ҳикоя қисми ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар, новелла ёки латифаларга яқин бўлиб, хотимаси мақол, ҳикматли сўз ва иборалар тарзида бўлади. Масал материаллари аксарият эртак, мажоз, новелла, латифа ва бошқаларда қўлланилиши мумкин. Ўзбек адабий ижодида унинг намуналари “Қалила ва Димна”, “Зарб-ул-масал” ва бошқа асарлар тарзида учрайди. Масалчилик билан Фаҳриддин Аттор, Жалолоддин Румий, Алишер Навоий каби сўз усталари шуғулланганлар.

Афсона халқ оғзаки ижоди (фольклор) шаклларида биридир. У хаёлот, уйдирма ва тўқимадан иборат бўлсада, сўзловчи ва тингловчи томонидан ҳақиқатдек тасаввур этилади. Ҳаттоки воқеалар бўлиб ўтган давр ва макон ҳам кўрсатилади. Афсоналар оғиздан-оғизга, элдан-элга ўтиб келган, ифода усули, баён тарзи ҳисобланади.

Ривоятдан фарқли ўлароқ афсона заминидан мўжиза, сеҳр-жоду бўлади. Ўзбек афсоналари коинот (Ер, Қуёш, Ой, юлдузлар ва сайёралар яралиши), топономика (масалан, Кавказ тоғлари, баъзи дарёлар, денгизлар, шаҳарлар, қишлоқлар ва ҳ.к), халқларнинг (масалан, туркийларнинг) келиб чиқиши, ҳайвонот дунёси, табиат ҳодисалари, тарихий шахслар (Эр Тунга, Тўмарис ва бошқалар), динлар, пайғамбарлар тўғрисида мавзуларда қурилган.

Эртак - халқ оғзаки поэтик ижодининг асосий жанрларидан бири; тўқима ва уйдирмага асосланган сеҳли-саргузашт ва маиший характердаги эпик бадий асар. Асосан наср шаклида яратилган. Эртак Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона ўзбеклари орасида метал, Бухоро атрофида ушук, Хоразмда варсақи, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида чўпчак деб аталади. Ҳаёлий ва ҳаётий уйдирмаларнинг иштироки, сюжет чизиғида тутган ўрни ва вазифасига кўра эртакни 2 гуруҳга - ҳаёлий уйдирмалар асос бўлган эртак, ҳаётий уйдирмалар асос бўлган эртакларга бўлиш мумкин. Унда асосан, уч мақсадга асосланилади: биринчидан, идеал қаҳрамоннинг жасорати, ёвуз

кучларга қарши чиқиб, халқ манфаатларини химоя қилиши, иккинчидан, малика-ю париларга ошиқ бўлиши, бу йўлда дев ва аждарларга қарши кураши, учинчидан эса адолатсизликка, зулмга қарши чиқиши.

Эртақ жанр образлари талқини, ғоявий мазмуни ва конфликти, сюжет ва композицияси, уйдирмаларнинг ўрни ва вазифаси, тили ва услубига кўра ушбу жанр асарлари шартли равишда ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар, сеҳрли эртақлар, маиший эртақлар ва ҳажвий эртақларга бўлинади.

Тез айтиш ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир тури. Ўтмишда катта ёшдаги одамлар ҳам ўтиришларда, тўйларда тез айтишда мусобақалашганлар. Кейинчалик, асосан болалар репертуарига айланган, сабаби тез айтиш болаларнинг фикрлаш қобилиятини, сўз бойлигини оширишга ва нутқнинг раван бўлишига хизмат қилади.

Олқиш - Олқиш туркий тилларда мақташ, шарафлаш, яхши истаклар тилаш, руҳини кўтариш ва яхшиликка даъват этиш каби маъноларни англатиб, шарафламоқ, юксакликка кўтармоқ, мақтанмоқ маъноларини англатувчи қадимги туркий ал феъли ўзагига-қи буйруқ майли ҳамда—(а) ш ҳаракат номи кўшимчаларининг кўшилишидан ясалган. Ўзбек халқ олқишлари ижро ўрни, вазифаси ва поэтик табиатига кўра икки қисмга: биринчиси - кундалик маиший олқишлар, иккинчиси - анъанавий маросимлар таркибида ижро этилувчи олқишларга бўлинади.

Терма - ўзбек фольклорининг мустақил жанри бўлиб, унинг яратилишида бахшиларнинг роли ниҳоятда каттадир. Кўпчилик ҳолларда улар дostonчиларнинг индивидуал ижоди ҳисобланади. Панд-насихат, одоб-ахлоқ, соз ва сўз ҳақида яратилган, ижтимоий ҳаётдаги турли ҳодисалар шахс ва жониворларнинг таърифи ёки танқидига бағишланган, бахшилар томонидан куйланадиган 10-12 сатрдан 150-200, баъзан ундан ҳам ортиқ мисраларгача бўлган лирик, лиро-эпик шеърларга “терма” дейилади.

Нақл - термини Яқин ва Ўрта шарқ халқлари орасида «Зарбулмасал» деб юритилган ва у рамзий ҳикоя маъносида қўлланган. Ўзбекистонда эса

“Зарбулмасал” ўрнида, асосан, нақл термини қўлланилади. Нақл-ахлоқий норма ҳамда одоб ҳақида юзага келган фикрларни изоҳловчи таълимий характердаги маъжозий ҳикоядир. Ўзбек халқ нақлларида “Ҳар ким қилса ўзига”, “Одам одам билан тирик”, “Кўрпангга қараб оёқ узат”, “Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига”, “Қаққиллаши бизникида, тухум қўйиши кўшникида”, “Бугунги жаҳлни эртага қўй”, “Кўрмаганнинг кўргани курсин” кабилар халқ орасида кенг тарқалган.

Латифа - оғзаки насрнинг маълум ва машҳур жанраларидан бири, у ҳажман кичик, мазмунан лўнда ифодаловчи бир ёки икки эпизоддан ташкил топган бўлиб, асосида ўткир ҳажв ёхуд енгил юмор ётади. Танқид ёки юмор эса сўз ўйини, турли хилдаги қочиримлар воситасида юзага келади ва фош этувчи ҳушчақчақ кулги яратади. Латифа термини арабча “латиф” ва “лутф” сўзларидан олинган бўлиб, нозик, кўп маъноли сўз, майин киноя, қочиримлардан иборат бўлган кулгили ҳикояни англатади. Латифа жанрининг ўзига хос томони асарларнинг ягона қаҳрамони Насриддин Афанди образи билан боғлиқлигида кўзга ташланади. Бу образ кўпроқ “Насриддин афанди”, «Хўжа Насриддин», “Мулло Насриддин” ва ниҳоят “Афанди” сингари атамалар билан юритилади.

Лоф - ўзбек халқ прозасининг мустақил жанрларидан бири бўлиб, ўзининг тузилиши ҳажв ҳамда юморга асосланиши билан латифа ва аския жанрларига яқин туради. Шунинг учун ҳам у ёки бу лофбознинг сўзга чечанлиги, зукколик ва ҳозиржавоблик фазилати мазкур жанрнинг ташкил топишида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Лоф жанри асосан, қизиқчи ва аскиябозлар орасида шаклланган ва ижро этилган. Ҳар бир лофда нотабиий воқеалар, салбий белгилар кулги остига олинади. Лоф айтиш муболағали эпизодга мантиқий жавоб қайтариш, сўзга чечанлик мусобақаси шаклида ўтади.

Оғзаки драма - халқ ижодининг мустақил тури бўлиб, унинг маъноси халқ орасида оғзаки тўқилган сахнавий асарлар намоишини англатади. У жуда

кадим замонларда вужудга келган ва ҳозирга қадар халқ онги, ахлоқий нормалари, бадиий идроки ва эстетик дидини тарбиялашда ҳал қилувчи ўринга эга. Турли хил ўйин-кулгилар, драматик ҳолатлар, ҳар хил қиёфага киришлар, монолог ва диалоглар, сахна ҳаракатлари ва овоз оҳанглари оғзаки драманинг жанр белгилари ҳисобланади.

Аския - ўзбек халқ оғзаки ижодининг мустақил жанри бўлиб, асосан, тўй-томоша, йиғинлар ва сайловларда ижро этилади. Аския арабча “закий” сўзидан олинган бўлиб, сўзамол, заковатли, ўткир зеҳнли деган маъноларни англатади. Закий сўзининг кўпчилик шакли “азкиё” бу кейинчалик талаффузда ўзгариб, аския шаклига келиб қолган. Аския ижрочилари аскиябоз, аскиячи деб юритилади. Аскиячилар тарафма-тараф бўлиб олиб, қочирим сўзлар билан аския бошлайдилар, тингловчилар эса у ёки бу томоннинг сўзга чечанлиги, ҳозиржавоблигидан мамнун бўлиб кузатадилар. Томонлардан бири устун келганда, кулги қаҳқаҳага айланади.

3.2. Бахшичилик санъати

Фольклоршунос Ҳоди Зарифнинг айтишича, “Бахши” мўғулчадан “Бахша”, “Бағша” сўзларидан олинган бўлиб, устоз, маърифатчи деган маъноларни беради. Ўзбекларда бахши кенг маънода халқ достонларини куйловчи, ёдда сақловчи ва наслдан-наслга етказувчи, эл суйган, эъзозлаган санъаткордир. Уларни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида турлича атамалар билан аташади. Сурхондарё, Қашқадарёнинг айрим жойларида “Юзбоши”, Фарғона водийсида “Соновчи”, бошқа бир туманларда эса “Жиров”, “Жирчи”, “Оқин”, “Охун” деб ҳам аташадилар. Бахшилар достонларини бирор созда, кўпинча дўмбирада, айрим жойларда дутор жўрлигида ҳам куйлайдилар. Хоразм бахшилари дутор, тор, ғижжак, баламон, кўшнай, аккордеон каби чолғучилар ансамбли жўрлигида достонларни куйлайдилар. Уларни “Халфалар” деб аташади. Халфалар кўпроқ “Ошиқ

Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Ойдин”, “Ҳурулиқо ва Ҳамро”, “Қиссайи Зебо”, “Бозиргон”, “Хирмон Дали” каби дostonларни куйлаганлар.

Илмий изланишлар натижасида ўзбек бахшичилигини ташкил қилган ва ҳозирги кунларгача ижод қилиб келаётган бахшилардан икки юздан ортиғи аниқланган ва рўйхатга олинган. Улардан энг забардастлари: Жуманбулбул, Жассоқ бахши, Бўрон шоир, Жолмон бахши, Султон кампир, Тилла кампир, Хонимжон халфа, Биби шоира, Амин бахши, Йўлдош булбул, Хидир шоир, Йўлдош шоир, Суяр шоир, Шерна юзбоши, Ҳайитбат соқилар халқ орасида шуҳрат қозонганлар. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислom Назар ўғли, Умир шоир, Абдулло шоир, Холиёр Абдукарим ўғли каби бахши – шоирлар бахшичиликнинг бой анъаналари асосида кўплаб янги дostonлар яратдилар. Бугунги кунда уларнинг давомчилари Қодир бахши (иарҳум), Шоберди бахши, Абдуназар бахши, Сафар бахши, Шодмон бахши, Расул бахши, ёшлардан: Бахтиёр бахши, Илҳом бахши, Ўрал бахши, Зулҳумор бахши, Акрамбахши ва Майсара бахшилардир. Бахшилар репертуарининг ҳажми бир хил эмас. Оддий бахшилар беш-ўнта дoston билганлар, юксак ҳофиза қувватига эга бўлган ижодкор шоир-бахшилар 30-40 ва ундан ортиқ дostonларни ёд билганлар. Мисол қилиб Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан шоир, Ислom шоирларни кўрсатиш мумкин. Ҳозирги замондошимиз бўлган Шоберди бахши Болтаев ҳам ана шундай юксак талантли улкан бахшилар сафига киради.

Ҳар бир дoston ёки дostonчилар, яъни бир ҳудуднинг бахшилари ўзига хос поэтик йўли, услуби билан бир-бирларидан фарқ қилади. Ана шу алоҳида йўл, услуб туфайли “дostonчилик мактаблари” юзага келган. Ҳозирги кунга қадар ўзбек фолькларшунослигида Булунғур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Хоразм ва Шеробод каби дostonчилик мактаблари, бахшичилик марказлари ҳисобланади.

3.3. Бахши (дoston) ижрочилиги мактаблари ва ижро йўналишлари

Достон ўзбек халқининг кенг тарқалган ва йирик жанрларидан биридир. Унинг яратилиши халқимизнинг маънавий-маиший қиёфаси, ижтимоий-сиёсий курашлари, ахлоқий-эстетик қарашлари, адолат ва ҳаққоният, озодлик ва тенглик, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ҳақидаги идеаллари билан чамбарчас боғлиқдир.

Достон мураккаб санъат асари бўлиб, унинг достон бўлиши учун адабий матн, шеър, мусиқа, айтим йўли лозим, шу туфайли достон ижрочиси – бахши-шоир (достончи, жиров, юзбоши, санновчи, бакси) бир вақтида бадихагўй ҳикоячи, шоир, овозга эга бўлган хонанда, мохир созанда ва маълум даражада актерлик маҳоратидан хабардор бўлган санъаткордир. Чунки у ўзининг санъати билан тингловчини ром этиб, унга завқ-шавқ бахшида этади.

Бахши – терма, кўшиқ ва достонларни сақловчи, ёддан куйловчи, айтувчи, авлоддан-авлодга етказувчи санъаткор, халқ достончиси. Унинг ширали овози, дўмбирасидан таралаётган куй инсон қалбини беихтиёр тўлқинлантиради, жунбушга келтиради. Бахши халқ турмуши ва маданиятини, ўзи яшаб турган юрт тарихини ва бирор чолғу чалишни билиши, хонандалик санъатини пухта эгаллаган бўлиши керак. У жонли халқ тилининг турли шаклларида, сўз ўйинлари ва қочиримларидан, халқ мақоллари ва ибораларидан унумли фойдалана олиши лозим. Тингловчиларни ром этувчи оҳанг топа билиш, достонни жозибали ва қизиқарли қилиб айтиш достон айтишнинг асосий талабларидан. Бу эса, ўз навбатида табиий истеъдод, кучли идрок, мунтазам равишда қунт ва чидам билан машқ қилишни талаб этади. Она юртга садоқат, муҳаббат, дўстлик, биродарлик, қаҳрамонликни тараннум этувчи хилма-хил мазмундаги достонларни бахшилар севиб куйлайдилар. Бахшилар томонидан ижрочилик ижоди бахшичилик санъати дейилади. Масалан, Пўлкан шоир етмишдан ортиқ достонни ёддан билган. Ҳар бир достон икки-уч минг сатрдан тортиб, ўн-ўн беш, ҳатто йигирма минг мисрагача шеърни, қарийб шунча назм қисмни ҳам ўз ичига олишини ҳисобга олсак, халқ бахшиларининг салоҳияти, ҳайратомуз ёдлаш ва эсда сақлаш

қобилияти, ижод қилиш қудрати ўз-ўзидан аён бўлади. Ўзбекистон халқ бахшилари Бола бахши Абдуллаев, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Боборайим Маматмуродов, Қора бахши Умиров, Абдуқаҳҳор ва Абдумурот Раҳимовлар, Шомурод Тоғаев, Зиёдулла Исломов, Норбек бахши Абдуллаев, Қаландар бахши Норметов, Қодир бахши Раҳимов бетакрор ижролари билан бахшичилик санъати ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Юртимизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида бахшичилик санъати ривожланган бўлиб, ҳозирги кунда Булунғур, Қўрғон, Шахрисабз, Қамай, Чироқчи, Дехқонобод, Шеробод, Бойсун, Жанубий Тожикистон, Хоразм ҳамда Қорақалпоқ дostonчилик мактаблари мавжуд. Улар бир-биридан ижро усуллари ва репертуарлари билан фарқланадилар. Жумладан, Булунғур дostonчилик мактаби азалдан қаҳрамонлик дostonларини ижро этиб келгани билан машҳур. Эргаш Жуманбулбул ўғли ва Пўлкан шоирлар номи билан боғлиқ бўлган Қўрғон дostonчилик мактабида, асосан, лирик ишқий қиссалар куйланади.

Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд бахшичилик мактаби вакиллари дўмбира жўрлигида бўғиқ, яъни ёпиқ овозда терма-қўшиқ ижро этиб, очик овозда дoston жараёнига таъриф берадилар. Қашқадарё бахшичилик санъати етук дoston ижрочиси бўлмиш, Қодир бахши Раҳимов номи билан боғлиқ. Унинг хотираси етмишдан ортик дostonлар сақланган. Ҳозирги кунда Қодир бахши анъаналарини унинг ўғиллари, Абдуқаҳҳор, Абдумўмин ва Баҳромлар давом этмоқдалар. Сурхондарё бахшичилиги Шеробод-Бойсун мактаби билан боғлиқ ва унинг асосчиси Шерна бахши бўлган, унинг анъаналарини шогирд (Қора бахши, Чори бахши, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Боборайим Маматмуродов ва б.)лари ҳозирги кунда давом этмоқдалар.

Хоразм дostonчилик мактаби вакилларининг ижросида асосан муסיқа етакчилиқ қилади. Хоразм бахшичилик мактаби вакиллари чолғу ансамбли

(таркибида дутор, буламан, ғижжак (ўтмишда); hozир - тор, қўшнай ёки буламан, доира) жўрлигида ички овозда қўшиқ-ашула ижро этиб достонларга таъриф берадилар. Хоразм достончилиги репертуар таркиби жихатидан ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Эпик асарларни талқин этишда жамоавий ижрочилик етакчилик қилади. "Ширвоний" (Хива) ва "Ироний" (Манғит) номли иккита йўналишга бўлинадиган ушбу мактаб қадимги илдизларга эга, ўзига хос репертуари, ансамбллар таркиби (Ширвоний – тор, қўшнай, доира; Эроний – дутор ва уч торли ғижжак), услуб ва лаҳжа, ёрқин ва жонлантирувчи қўшиқ, ашула ва оҳанг (15тадан то 36 гача)ларга эга. Ширвоний бахшичилик мактабининг етакчи намояндаси Бола бахши (Курбонназар) Абдуллаев ва унинг болалари (Норбек, Мухаммад, Етмишбой); Эроний бахшичилик мактаби намояндаси Худойберган Утегенов. Хоразмда аёллар ижросида ҳам достонлар ва достон терма-қўшиқлари айтилган, уларни халфа-достончи деб аташган, жумладан, "Тоҳир ва Зухра" достони халфалар орасида оммалашиб кетган. Достонлар қўл соз (рус диатоник гармони) ва доира жўрлигида ижро этилган.

Қорақалпоқ бахшичилик мактаби иккита йўналишдан иборат – бакси (ички овоз услуби дутор ва ғижжак жўрнавозлида) ва жиров (бўғиқ овоз услубида қўбиз жўрлигида). Бахшичилик санъати Нукус санъат ва маданият коллежида ёш ижрочилар томонидан ўзлаштирилмоқда. Анъана намояндалари – баксилик бўйича Қайратдин Утемуротов, Ўралбой Ўтамбетов, Тенгелбой Каллыев, Зиёда Шарипова, Гулбахор Раметова, Гулнур Ҳамитова, Замира Иброҳимова; жировчилик бўйича Жумабой жиров, Бакберген Сырымбетов, Жонибек Пиязов, Бахтиёр Есемуратов ва б.

Ёш авлодни миллий қадриятларимизга содиқ руҳда тарбиялашда эзгуликка чорлайдиган, ватанпарвар, адолатли, мард, жасур бўлишга ундовчи достонларининг ва умуман бахшичилик санъатининг ўрни беқиёс. XX асрнинг 70-чи йилларидан бошлаб Ўзбекистонда мунтазам равишда бахши-шоирлар кўрик танловлари. 1999 йилдан бахши-шоир ва оқинлар Халқаро танловлари,

Қашқадарёнинг Китоб шаҳрида ёш бахшилар кўрик-танловлари ўтказилмоқда. Бахшичилик санъати таълим тизимининг ўқув жараёнига киритилган. Шунинг учун ҳам кўп сонли мусиқа ва санъат мактаблари, коллежлар, лицейлар ва олий таълим муассасаларида ушбу йўналишдаги ишлар олиб борилмоқда.

3.4. Болалар фольклори

Сурхондарё худуди қадимдан маданият ва санъат ўчоқларидан бири ҳисобланиб келинган. Дастлаб Бақтрия давлати, сўнг Тохаристон - Чағаниён давлати, Темурийлар салтанати, кейинчалик эса Бухоро амирлигининг стратегик жиҳатидан муҳим вилоятларидан бири бўлган. У XX асрда жанубий Ўзбекистоннинг энг йирик худудларидан бири ҳисобланиб, унинг географик ҳолати халқ маданиятининг бой анъаналарини дастлабки кўринишда сақлаб қолиш имконини берди.

Туркий халқлар фольклори билан урф-одатларида сақланиб қолган анимистик ва тотемистик қарашлар қадимий тасаввурлар системасининг асосини ташкил этади. Ибтидоий тасаввурларга кўра жон ва руҳлар, жонли ва жонсиз табиатда яшайди. Унинг эркин намуналари эртақларнинг қадимий мотивларида ўз ифодасини топган. “Оқ билакхон” эртагида йигитнинг тошга айланиб қолиши, “Очил-очил”да қизнинг қамиш орасига кириб кетиши, “Ёрил тош”да тошнинг ёрилиш мўжизаси, кизни бағрига олиб яна ёпилиши.

Болалар фольклор мусиқа санъати катталар дунёси билан болалар оламининг уйғунлашуvidан юзага келган кўшиқлар ва ўйинларнинг гуруҳи тарзида таркиб топган. Уларнинг пайдо бўлишида болалар ҳам, катталар ҳам баробар ҳисса қўшганлар. Болалар фольклор мусиқа санъати боланинг чақалоқлигидаёқ яратилади. Оналарнинг ҳар бири ўзига хос оҳангда алла айтишлари болалар фольклор мусиқасининг бошловчиси бўлса, улар улғайишгани сайин эркаламалар, овутмачоқлар, қизикмачоқлар куйланади.

Овутмачоқлар болани тинчлантириш, овутиш эҳтиёжини қондирувчи бадихалардир.

Эркаламалардаги кичкинтойлар келажагига даҳлдор орзуларни куйлаш етакчи мотивлардир. Улар болаларнинг 3-4 ёшлигидан 12-13 ёшигача бўлган даврида айтилсада, баъзан катта ёшдаги болаларга ҳам айтилади.

Болаларнинг табиатга муносабатлари шаклланиши натижасида уларнинг ўз солномаси ва уни ифода этувчи мавсум-маросим кўшиқлари юзага келган. “Бойчечак”, “Ё рамазон” кўшиқлари шулар жумласидандир. “Бойчечак” болаларнинг маросим кўшиқларидан биридир. Улар эрта баҳорда далаларда бойчечакларнинг ўсиб чиқишлари билан териб, гулдасталар ясаб бошларига гулчамбарлар таққанлар. Кейин ҳовлима-ҳовли юриб, кўшиқ куйлаганлар.

Болалар мусиқа фольклори репертуарида ғоятда кенг тарқалган “Офтоб чиқди оламга” ялинчоғи ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Қиш охирлаб, куёш илк мартаба кўриниш берганида бу кўшиқ болалар томонидан ижро этилган. Улар куёшни кўрган заҳоти тизилишиб, сакраб-сакраб куйлаганлар.

Шундай қилиб, ўзбек халқ оғзаки ижодида болалар фольклори муҳим ўрин тутди. Уни ўрганишда биринчилардан бўлиб Жаҳонгиров кўл урди ва “Ўзбек болалар фольклори” номли монографиясини яратди. Унда болалар фольклор мусиқа санъатининг ўзига хос хусусиятлари ва турлари, тез айтишлари ва топишмоқлари болалар кўшиқлари ва эртаклари таҳлил қилинади. 1981 йили О. Сафаров “Болаларни эркаловчи халқ поэзияси” номли, 1985 йилда “Ўзбек болалар поэтик фольклори” монографияларини чоп эттирди. Унда ўзигача ўрганилган “Алла”, болалар кўшиқлари, ўйинлари ва бошқаларни янги манбалар билан тўлдириб, янги жанрларини очиб берди.

Сурхондарё болалар фольклор мусиқа санъатидан мавсумий кўшиқлар алоҳида ўрин тутган. Масалан, баҳор даракчилари турналарнинг учиб келишини болалар шод-хуррамлик билан кутиб олишган. Турналарга тақлидан тизилишиб, далаларда югуришиб, турна келди кўшиғини куйлашган:

Арғамчи-гиламчи, турна бўйли болажон, кўкаламга тиламчи.

Турна тилло тарози, обу-ҳавога қози.

Турналар учса пастлаб, салқин келади ёзи.

Турна десанг турумли, Кенталага кўнимли,

Турна қолса юртингда, рискнинг келар унумли.

Ёзги мавсумий маросим, болалар кўшиқларидан яна бири “Лайлак келди” кўшиғидир. Ёз даракчиси бўлган лайлакларнинг учиб келишига атаб, болалар далаларга чопқиллашиб, ритуал рақсга тушиб куйлаганлар:

Лайлак келди ёз келди, қаноти қоғоз келди.

Дала-даштлар яшнади, кўкалами соз келди.

Ёмғирдан кейин ерда кўлмакчалар қолиб, уларда чўмичаклар - ит балик пайдо бўлади. Маълум бир вақтдан кейин чўмичаклар дум ташлаб, қурбақага айланадилар. Болалар ана шу жараёнга бағишлаб ритуал рақс ижро этиб, кўшиқ куйлаганлар:

Қурбақа бақа-бақа, бўйни халта бақ-бақа.

Сенинг уйгинанг қақа, бақа-бақа қурбақа.

Ёмғир кетди кўл қолди, чўмичаклар мўл қолди.

Чўмичак дум тайлади, қурбақага айланди.

Пашша кўрди ҳап қилди, ниначини кап қилди.

Лайлакни кўриб қочди, бақа тўнини очди.

Кўзи карсон қурбақа, бақ-бақа ларзон қурбақа,

Патир кўтариб кепди, чўлдаги холанг чўлбақа.

Болалар кўшиқларидан яна бири “Кўриқчи кўшиғи” бўлиб, ёзда ғалла пишиб етилган бир пайтда зараркунанда қушлар далага ёпирилади. Дехқонлар ёғочдан кўриқчи ясаб, унга эски чопон ва телпак кидириб, экин даласининг ҳар-ҳар ерига қадаб кўядилар. Болалар шу жараёнга атаб ритуал рақсга тушиб, кўшиқ куйлаганлар:

Кўриқчидан кўркмайди, чирк-чирк қилиб кўймайди.

Кишт демасанг кетмайди, Ҳо киш-кишо, ҳо киш-киш.

Чумчуқ келар тарикка, қарқуноқлар арикка.

Момогинам сўрига! Ҳо киш-кишо, ҳо киш-киш.

Сичқон тушди қаймоққа, майналар ўч қуймоққа.

Қарға келар ёнғоққа! Ҳо киш-кишо, ҳо киш-киш.

Ёзда, қуёшли кунда бемаҳал ёмғир ёққанда халқимиз қадимда – “Тулки тўй қилаяпти” – деганлар. Шунга бағишлаб болалар ритуал рақсга тушиб, ҳазил қўшиқ куйлаганлар:

Тулки болали бўлди – нима, нима?

Ўнга холали бўлди – э ҳе...!

Чўпон бўлди қўй қилди – нима, нима?

Боласини тўй қилди – э ҳе...!

Тўйига ёмғир ёғди, қозони селга оқди.

Ҳаво келди туманлаб-о, тулки қочди тўманлаб.

Хуб бўпди, ажаб бўпди-ё, хуб бўпди, ажаб бўпди.

Чодир ипи чўзилди, тулки тўйи бузилди.

Чангалда ош сузилди-ё, кулиб ичим узилди.

Хуб бўпди, ажаб бўпди-ё, хуб бўпди, ажаб бўпди

Сурхондарё болалар фольклор мусиқа санъатида қиз болалар қўшиқлари ҳам катта ўрин эгаллаган. Қадимдан оналар қизларини кашта, дўппи тикишга, жамалак тўқишга болалигиданоқ ўргатиб келганлар. Ана шу қизиқарли меҳнатлари давомида ўзлари яратган буюмларини таърифлаб қўшиқлар тўқиб куйлаб, рақсга тушганлар:

Жамалагим тугмалия-тугмали,

Жамалагим суймалия-суймали.

Жамалакни таққандая-таққанда,

Қовоққинам уймалия-уймали.

Жамалагим мунчоқлия-мунчоқли,

Мунчоқлари минг чоқлия-минг чоқли.

Шундай қилиб, оғзаки ижодимиздаги халқ қўшиқларининг таркибий қисмини ташкил қилувчи болалар қўшиқлари кўпинча йил фаслларига, қуш ва ҳайвонларга, табиатдаги ўзгаришларга бағишланган бўлиб, мазкур нарсалар ва ватан манзараларига нисбатан муносабатларнинг бадиий ифодаси сифатида баҳоланади.

Болалар фольклори ҳам турмуш воқеъликларини сўз ўйинлари, мусиқий оҳанглар, драматик ижро шаклларида акс эттиради. Болаларда ватанпарварлик, эрксеварлик, меҳнатга муҳаббат, кишиларга ишонч, дўстларга садоқат, табиатга эътибор туйғулари қўшиқлар, ўйинлар орқали шакллантириб борилади. Умумийликдан хусусийликка қараб силжиш мукамаллик касб этади. Болалар фольклорининг жанрлари ҳам бундан мустасно эмас. Инсон умрининг тўрт даври йилнинг тўрт фаслига менгзатилганидек, болалик даври ўз таровати, ўз муҳри билан алоҳида хусусиятга эга. Бу хусусият, айниқса, болалар қўшиқлари, ўйинларида кўзга ташланади. Болалар фольклорини ўз хусусияти, моҳияти, характери ва тузилишидан келиб чиқиб, қуйидагича гуруҳлашимиз мумкин:

1. Болалар термалари.
2. Болалар қўшиқлари.
3. Болалар ўйинлари

Болалар термалари, уч ёшдан олти ёшгача бўлган болалар ўртасида кўпроқ қуйланади. Улар тўрт мисрадан иборат бўлган шеър ва қўшиқлардан ташкил топган бўлиб, бола томонидан ижод қилинган. Эътибор қилиб қарасак, бола ёлғиз бўлганда зерикишини сездирмаслик учун ижод қилади. Ўйинчоқлари, ўзига таниш жониворлар, нарсалар ҳақида шеър тўқийди. Болалар термалари аксарият тўрт мисрадан иборат бўлади. Баъзан эса олти мисрада ҳам учрайди. Бола томонидан айтиладиган термалар уларнинг сўз

бойлиги даражасида белгиланади. Бу ёшдаги болалар психологларнинг айтишича, 1300 дан 3000 гача миқдордаги сўзларни ўзлаштирар экан. Инчунун, бола эркин вазнда қофияли ёки қофиясиз шеър тўқий олиши мумкин.

Болалар уй ҳайвонлари, қушлар билан бир ярим ёшлигиданоқ таниша бошлайдилар. Чунки айнан шу вақтдан бошлаб ҳар бир нарсага интилувчан, ўта қизиқувчан, диққатини тортган нарсаларни ушлаб кўришга ҳаракат қиладиган бўладилар. Болалар ҳайвонлар, қушларнинг ҳаракатларини кузатишлари орқали уларнинг фарқи, ранги, шакл-шамойили, озуқаси билан ҳам танишадилар. Ана шулар ёрдамида табиатни, оламни англай бошлайдилар. Термаларнинг ихчам, жарангли, сиқик сўзлардан таркиб топганлиги бола нутқининг тиниқ ва равон бўлишини таъминлайди. Болалар ижодкорлиги кўшиқ, ўйин машғулотилари вақтида юзага келади. Уларнинг ўйинларида танаффус бўлмайди. Негаки, болаларнинг серҳаракатлиги, жўшқинлиги, ғайратчанлиги унинг сўзамоллик фантазияси билан уйғунлашиб кетади. Болалар айтиб юрадиган “қайчи-қайчи” термаси ўйин ҳаракати билан ижро этилади. Бу терма асосан қиз болалар ўртасида ижро этиладиган диалогик шаклдан иборат бўлиб, бу уларнинг севимли ўйин-кўшиқларига айланиб кетган. Ўйин композицияси қуйидагича: Икки қиз бола орқа томонлама туриб, бир-бирларини қўлларини қайчисимон шаклда ўтқариб оладилар. Терманинг ҳар бир мисрасини айтаётганда бири энгашиб, иккинчисини кўтаради. Шу залда терманинг охириги мисрасини қизлардан қай бири айтса, иккинчиси унга қанд беради.

Болалар фольклори кўпгина омиллар таъсиридан шаклланади. Улардан бири турли ижтимоий ва ўсмир ёшдаги гуруҳлар таъсиридир. Болаларнинг турли фаолиятида махсус шароитлар яратилса, ижодиётнинг илк куртаклари пайдо бўлиши мумкин. Ушбу хусусиятларнинг муваффақиятли ривожланиши албатта катталарнинг тарбиясига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида келажакда болаларнинг ижодий меҳнатдаги иштирокини таъминлайди.

Болалар ижодиёти асосан бола ривождаги бадий қобилиятидаги муҳим омил ҳисобланувчи тақлидга асосланади. Бутун жаҳон мутахассисларининг фикрича туғилишдан то мактабгача бўлган давр боланинг нисбатан тез жисмонан ва маънан ривожланиш ёши ҳисобланади. Кўпгина олимлар болалар кўшиқларида халқ мусиқасининг энг қадимий куй-оҳанг қатламлари сақланиб келинаётганлигини таъкидлайдилар.

Тез айтишлар болалар фольклори таркибига нисбатан кейин кўшилган жанр ҳисобланади. Олимларнинг фикрича, тез айтишлар авваллари алоҳида жанр сифатида “тутал”, “чалғитув”, “чалиш”, “адашиш” атамалари билан машҳур бўлган. “Тез айтиш” эса нисбатан кейинги атамадир. Вақт ўтгани сари бу жанр катталардан болалар фольклорига кўчган. Қадимги тез айтишлардаги сўзларнинг кўплиги бу фикрнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди. Гап шундаки, тез айтишда намуна тўлиқ айтиб бўлмагунча нафас олиш мумкин эмас. Сон жиҳатидан шу қадар кўп сўзли тез айтишлар борки, уларни ёш бола айта олмайди. Шунинг учун бу тез айтишлар аввалига катта ёшдаги одамлар ўртасидаги кенг тарқалган бўлиши мумкин, деган хулосага келинган. Тез айтишнинг иккинчи қоидаси матндаги товушларни аниқ талаффуз қилиш кераклиги билан белгиланади. Тез айтиш ҳозирги пайтда болаларнинг айрим товушларни талаффуз қилишдаги камчиликларини йўқотиш жараёнини тезлаштиради. Масалан, “Р” товуши талаффузига бағишланган матнлардан намуна келтирамиз: “Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида бир туп турп. Бир туп турпнинг томирини туртиб турган бир туп тутнинг томирини бир туп турпнинг томири туртиб турибди”. Таъкидлаш жоизки, халқ орасида кўп сўзли тез айтишлар ижроси кенгрок оммалашган. “Т” товуши талаффузига бағишланган яна бир тез айтиш:

“Тяншан тоғининг тагида трактор тириллаб турибди,

“Тракторчи Турдининг тоғаси Тўра тракторнинг тагини тозалаб турибди”.

Бу тез айтиш ҳам болаларнинг Т ва Р товушларини равон талаффуз қилишларида муҳим ўрин тутади.

Болалар термалари, хусусан, уч ёшдан олти ёшгача бўлган болалар ўртасида кўпроқ куйланади. Улар тўрт мисрадан иборат бўлган шеър ва кўшиқлардан ташкил топган бўлиб, бола томонидан ижод қилинган. Эътибор қилиб қарасак, бола ёлғиз бўлганда зерикишини сездирмаслик учун ижод қилади. Ўйинчоқлари, ўзига таниш жониворлар, нарсалар ҳақида шеър тўқийди. Болалар термалари аксарият тўрт мисрадан иборат бўлади. Баъзан эса олти мисрада ҳам учрайди.

Кўзичоғим жингалак, жуни силлиқ жамалак.

Кўзи қора-қуралак, ранги гуё камалак.

Ёки

Чумчук, чумчук денг, лабингда учук,учук денг.

Чириллаб учса томлардан, бурнинг пучук, пучук денг.

Ҳай, ҳай, чумчук жажжи куш, шохда турмай пастга туш.

Қарангки, боланинг онги шуурида ҳар бир нарса-предметнинг шакли, вазифаси, жойи, маза-таъми ҳақида тасаввур мавжуд. У мана шу тасаввури даражасида ижод қилади. Ўзбек болалар термалари хазинаси жуда бой, сермазмун, сербўёқ ва оҳангдор. Бола ҳаётини ўйин-кулги билан бирга ўқиш, мактабга бориш, катталардек ишлаш орзу-истаги билан ҳам тўлдиради. Уларни мўжазгина ижод лабораториясида ишлайди. Термалар болаларни жисмонан, ақлан ва маънан тетиклаштиради. Тафаккурини, нутқини ўстиради.

Оламни эстетик идрок қилиш, кайфиятни кўтариш, беғубор қалбда эзгуликни уйғотиш, маънан ва руҳан тетик бўлиш болалик дунёсидаги таълим-тарбиядан бошланади. Бежизга олимлар болани она қорнидалигиданоқ тарбиялаб бориш керак, - деб таъкидламаганлар. Она эшитган кўшиқ, тинглаган куйи оғушида қанчалик кайфияти кўтарилиб, маданий дам олса, туғилажак фарзанд руҳан тетик, маънан соғлом,

қобилиятли, зукко, меҳр-оқибатли бўлиши табиий. Бу жараён гўдаклик ва болалик даврида янада мукаммаллашади, улғайган сари мустаҳкамланади.

Сурхондарё худудида болалар фольклори ва болалар фольклор мусиқа санъати жуда қадим замонлардан пайдо бўлган ва шаклланиб келган. Унинг ривожланиши ва сайқалланиб бориши учун даврлар, шу худудда яшаган халқларнинг ижтимоий турмуши гўзалланиб бориши, фан, маданият ва санъатнинг ўсиб бориши шарт-шароитлар яратиб берган, бунинг учун эса барча омиллар яратилган.

Халқ ва болалар фольклор кўшиқлари давр кўзгусидир. Қадимда болалар кўшиқларининг тили содда, мусиқа шакли жуда оддий тузилишда бўлган. Хозирги давр кўшиқларига хос хусусиятлардан бири уларнинг тил хусусиятларида маълум даражада, адабий тилга якинлашиб боради. Кўшиқларга хос бўлган соддалик, самимийлик ва жўшқинлик уларда халигача анъанавий безак бўлиб қолмоқда. Болалар фольклор мусиқа санъатида ҳам худди катталарники каби кўшиқлар асосий ўринни эгаллайди, аслида болалар фольклор мусиқаси боланинг чақалоқлигидаёқ яратилади. Оналарнинг аллалари болалар фольклор мусиқасининг бошловчиси бўлса, улар улғайишгани сайин эркаламалар, овутмачоқлар, қизикмачоқлар куйланади. Шунинг учун бу жанрларга мансуб бўлган болалар фольклори асарларининг ижодкори ва ижрочиси оналардир:

Алла дедим аллажона аллаё.

Болдан ширин болажона аллаё.

Аллаларим ол бўлсино аллаё.

Жоним болам бор бўлсино аллаё.

Бахмалдан бўлсин белбоғинго аллаё.

Ипак чилвирдан қўлбоғинго аллаё.

Улғайганда бек бўлгино аллаё.

Оқ кигизлардан ўтовинго аллаё.

Кўрар кўзим аллаё. Айтар сўзим аллаё.

Нури дийдам дилдоримо эрка кўзим аллаё.

Болалар фольклор мусиқасида “овутмачоқ”лар болани тинчлантириш, овутиш ва эҳтиёжларини қондириш учун айтилади:

Вой-вуй ана шугинани ким урди,
Вой-вуй шугинага ким лаб бурди.
Йиғламагин оппоққинам,
Бошимдаги қалпоққинам.

Эркаламалардаги кичкинтойлар келажагига даҳлдор орзуларни куйлаш етакчи мотивлардир. Улар болаларнинг 3-4 ёшлигидан 12-13 ёшигача бўлган даврида айтилсада, баъзан катта ёшдаги болаларга ҳам айтилади, бола юришни ўргана бошлаган, “той-той” бўлишига бағишлаб айтиладиган эркаламага эътибор қаратамиз:

Киштала – киштал болажон,
Дангала – киштал болажон.
Лўппи бети қаймоқдай,
Оғизчаси ўймоқдай.
Тап-тап босгин оёғинг,
Диккиллаган тойчоқдай.

Ёки

Ҳа дўрса, дўрса, дўрса,
Отаси бозорга борса.
Гўшту биринч келтирса,
Онаси пазанда бўлса,
Боласи хўранда бўлса.

Болаларнинг табиатга муносабатлари шаклланиши натижасида уларнинг ўз солномаси ва уни ифода этувчи мавсум-маросим кўшиқлари юзага келган. “Бойчечак”, “Ё рамазон” кўшиқлари шулар жумласидандир. “Бойчечак” болаларнинг маросим кўшиқларидан биридир. Улар эрта баҳорда далаларда бойчечакларнинг кўринишлари билан териб, гулдасталар ясаб

бошларига гулчамбарлар қилиб кийганлар. Кейин ҳовлима-ҳовли юриб, қўшиқ куйлаганлар.

Болалар мусиқа фольклори репертуарида ғоятда кенг тарқалган “Офтоб чиқди оламга” ялинчоғи ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Қиш охирлаб, куёш булутларни ёриб илк маротаба кўриниш берганида бу қўшиқ болалар томонидан ижро этилган. Улар куёшни кўрган заҳоти қатор тизилишиб, сакраб-сакраб куйлаганлар:

Офтоб чиқди оламга, югуриб бордим холамга.
Холам айтди чўпчак тер, чўпчак тердим бир кучоқ,
нон ёпди ўчоқ-ўчоқ. Ўғлига берди ўроқдек,
менга берди тирноқдек. Емай уйимга қайтдим,
йиғлаб онамга айтдим. Холажон фелинг курсин,
илойим язнам урсин.

“Болалар қўшиқларининг ҳам катталар айтадиган меҳнат, мавсум-маросим, лирик қўшиқлардан фарқли жиҳатлари бор. Жумладан, болалар қўшиқлари кўпинча мавсумий хусусиятларга эга бўлиб, кўпинча кўл-оёқ ҳаракатлари билан ижро этилади. “Бойчечак”, “Офтоб чиқди оламга”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Читти гул”, “Лайлак келди, ёз бўлди”, “Ёмғир ёғалоқ”, “Турна келди”, “Кўриқчи – ҳо киш-киш”, “Чучвара қайнайдиё”, “Бақа-бақа қурбақа”, “Тулки тўйи”, “Мирҳайдар бобо” каби ўнлаб қўшиқлар болалар фольклор қўшиқлари намуналаридир”.

Филология фанлари доктори, профессор О. Сафаровнинг таъкидлашича, ёз мавсумида болалар иссиқ кунларнинг келишидан қувониб, чўмилиш кунларига, меваларнинг пишишига атаб қўшиқлар айтишган. Шунингдек, киш фаслида қор қураш пайтида ҳам болалар табиатдаги бундай ўзгаришларга мос қўшиқлар куйлашган:

Қор ёғди гупиллатиб,
қор бобо тўқиллатиб.

Кириб келди мактабга,
соқолини селкиллатиб.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан болаларга мерос қоладиган кўшиқлардан бири – бу меҳнат билан боғлиқ мавзулардир. Болалар таклидчи бўлади. Хусусан, бобо-момолари, ота-оналари, ака-опалари бажарадиган ишларни кузатиб, уларнинг хатти-ҳаракатларини ўз ўйинлари, кўшиқларида такрорлайдилар. Уларнинг кўшиқларини ўзларига мослаштириб, ўзлаштирадилар. Болалар, хусусан, 7 ёшдан бошлаб меҳнат жараёнига киришадилар. Бажариладиган ишларни англай бошлайдилар. Болалар катталар билан биргаликда подага чиққанда, экин ерларни чумчуқ, олақарға ва шунга ўхшаш зараркунанда қушлардан кўриқлайдиган пайтда ўз кўшиқларини айтадилар. Меҳнат болани ижтимоий ҳаётнинг ичига олиб киради, турмуш, оила, рўзғор деган тушунчаларни меҳнат орқали англай бошлайдилар. Катталар ўзлари бажарадиган ишга болаларни жалб қилиш йўли билан бу жараённи амалга оширадилар. Болалар кундалик турмушдаги турли меҳнат қуроллари, воситалари, шакллари билан танишиб борадилар. Болалар кўпинча тўда бўлиб, пода боққани чиқиб кетишади. Подадан қайтаётганда кўшиқлар айтиб, ўз ишларидан мамнун бўлиб қайтадилар:

Подалар келар бош-бош,
Оёғида чағир тош.
Чағир тошни олайлик,
Оёғига кишан урайлик.

Боланинг бу кўшиғи поданинг бир-биридан ажралиб кетмаслиги, қочмаслиги, бир маромдаги ҳаракатини белгилайди. Чунки уй ҳайвонлари ҳам яхши ва ёмон муносабатни ҳис қилади ва шунга қараб ҳаракатда бўладилар. Болаларнинг мева дарахтларини чумчуқ ва ёввойи қушлардан асраши, уларни тез-тез қувиб туриши ҳам уларнинг меҳнати ҳисобланади. У энди томошабин эмас. Меваларни кўриқласа, узоқ вақт сақлаш мумкинлигини тушуниб етади.

Улар ўз қўшиқларини яратиб, баланд овоз билан қушларни хайдашга уринадилар:

Ҳала-ё, хала-ё!

Катта полни тала-ё!

Катта полга тўймасанг,

Кичик полни тала-ё.

Ёки:

Жўхорилар бўлди оқ,

қўнма шум қораялоқ.

Агар қўнсанг, ураман,

Бўлар оёғинг чўлоқ.

Баҳор элчиси номини олган қуш қалдирғоч инсоннинг дўсти сифатида болаларга таништирилади. Қалдирғочнинг самода шўх ўйини, қувноқ ва ёқимли овози болалар диққатини ўзига ром қилади. Айниқса, қалдирғочнинг худди одамлар каби лойдан “қўрғон” ясаши, чуғурчуқларини тумшуғи билан озиқлантириши, уларни учишга ҳаракатлантириши, инсонлар каби меҳнаткашлиги болалар диққатини тортади, шу жажжигина қушчанинг серҳаракати мурғак қалбларни ҳаётга бўлган интилишини, Ватанига муҳаббат туйғуларини уйғотади. Болалар қалдирғочни эркалаб, баъзан дўқ-пўписа қилиб, унга мурожаат қиладилар:

Қалдирғоч, ғоч, ғоч, эшигингни оч, оч!

Эшигингни очмасанг, туйнугингдан тушаман,

Кўч ошингни ичаман, сўнгра қочиб кетаман.

Қалдирғоч, ғоч, ғоч, чийилламай бола оч,

Менинг сочим жингалак, писта билан бодом соч.

Ўсимликлар, гуллар дунёси билан боғлиқ болаларнинг яна бир севимли қўшиқларидан бири “Читтигул”дир. Ушбу болалар қўшиғи мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, Сурхондарё болалар фольклоридан ҳам ўрин олган. Бу гул ҳам баҳорни эслатгани учун мавсум

қўшиқлар туркумига киради. Қизлар ижросида айтиладиган бу қўшиқ майин ҳаракатлар орқали чиройли оҳангдорлик касб этади. Тўрт, олти, саккиз жуфтликдан иборат қизлар қафтларини бир-бирига уриб, қарсак чалиб қўшиқни мақом билан турган жойларида ижро этишади. Оҳангни ўзгариши, овоз темпини ошиши ижрочини серҳаракат бўлишга ундайди. қўшиқни бир қиз ижро этади бошқалари нақоратига жўр бўлишади:

Қиз: - Читти гул-о, читтигул, ҳай-юв читтигул,
Читти гулга гул босай, бир ёнини ёнбосай,

Ҳамма: - Ҳай-юв читтигул,
Ҳай-юв читтигул.

Қиз: - Гул яхшию, гул яхши, гулнинг баҳоси яхши.
Ўртадан чиққан қизнинг, ҳайдар кокили яхши.

Хулоса қилиб айтганда, болалар фольклор қўшиқларининг бирини шовқин солиб биргаликда, жамоа жўрлигида, бирини рақсга тушиб, бирини яккахон ҳолатда, бошқа бирини юриб ёки ҳакаллаб – чопганча ижро этганлар.

Назорат саволлари:

1. Дунё миқёсида номоддий маданий мерос муҳофазасига доир ҳаракатлар қачондан бошланди?
2. Номоддий маданий мерос соҳасидаги турдош уч конвенцияларнинг қандай ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бор?
3. Номоддий маданий мерос Конвенциясининг асосий мазмуни ҳақида сўзлаб беринг.
4. Конвенцияда номоддий маданий мерос муҳофазаси қандай кўринишларда ташкил этилади?
5. Давлат дастурининг нечта банди бор?
6. Кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш ишлари қайси бўлимда акс этган ва ушбу бўлим неча банддан иборат?
7. Қайси халқаро ташкилот Марказий Осиё мамлакатлари билан энг кўп лойихани амалга оширган?

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Фольклорда тур ва жанрлар. (2 соат)

Ишдан мақсад: Бунда музика, рақс, халқ томоша санъатининг барча жанрларини намоёиш этишга (ҳоҳ у сахнада бўлсин, ҳоҳ майдонда, ҳоҳ кичик даврада) мўлжалланган жанрлар ижрочилик санъати таркиблари ўрганилади.

Мақсаднинг қўйилиши: Ижрочилик санъатининг барча жанрларини камраб олмаган ҳолда мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин.

Музика йўналиши бўйича: “Шашмақом”, “Хоразм мақомлари”, “Тошкент-Фарғона мақом йўллари”, Дутор ва сурнай мақом йўллари, “Тановор”, “Ушшоқ”, “Феруз”, “Сувора”, “Лазги”, “Мавриги”, “Мискин” сингари туркумлар, “Катта ашула”, аллалар, ўланлар, яллалар, лапарлар, мадҳиялар, термалар, шунингдек, “бахшичилик”, “халфачилик” ва ҳудудга хос бошқа йўналишдаги манбалар.

Рақс йўналиши бўйича: Фарғона, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё рақс мактаблари, ҳудудларга хос бўлган рақслар ва рақс ҳаракатлари, шу жумладан, болалар, эркаклар, аёлларнинг яққа ва гуруҳли рақслари.

Томоша санъати йўналиши бўйича: дорбозлик, полвонлик, анъанавий цирк, кўзбойлоғичлик, қўғирчоқбозлик, масхарабозлик, морбозлик, бесуяклик ўйинлари, ёғоч оёқ ўйинлари, миллий халқ ўйинлари ва бошқалар.

Урф-одат, маросим ва байрамлар, маданий маконлар.

Урф-одат, маросим ва байрамлар таркибига меҳмондўстлик анъаналари, ахлоқ-одоб билан боғлиқ урф-одатлар, фарзанд тарбияси билан боғлиқ маросимлар, бешик тўйи, исм қўйиш маросими, суннат тўйи, совчиликка бориш, келин салом, миллий ва маҳаллий миқёсда ўтказиладиган сайллар, хашарлар, томошалар, байрамлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Қуйидаги қўшиқлар ёки ашулани талабаларга ўргатиш учун тайёрланиш мумкин.

ФОЛЬКЛОР МУСИҚА АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Садаға

Халқ сўзи

С.Курбонов мусикаси

Ўртача



Нақорат



Са-да-ға, са - ти-гинг бў-лай. О-шин-га қа - ти-гинг бў-лай.



Уй-ги-нан - га меҳ-мон кел-са киш-та-ла қо - ши-гинг бў-лай.

Якка



Қал-дир-ғоч-нинг қа-но - ти-дай, қо шинг-дан ай - ла-най се-нинг.



Қат-тиқ ер-нинг шол-ғо - ми-дай, Бо-шинг-дай ай - ла-на се-нинг.

Нақорат



Са-да-ға са - ти-гинг бў-лай, о-шин-га қа - ти-гинг бў-лай.



Уй-ги-нан - га меҳ-мон кел-са, киш-та-ла қо - ши-гинг бў-лай.

Нақорат

Садаға сатиғинг бўлай,
ошинга қатиғинг бўлай.
Уйгинанга меҳмон келса,
киштала қошиғинг бўлай.

Қалдирғочнинг қанотидай,
қошингдан айланай сенинг.
Қаттиқ ернинг шолғомидай,
бошингдан айланай сенинг.

Нақорат

Самарқанднинг кулчасидай,
юзингдан айланай сенинг.
Кенталанинг кечасидай,
кўзингдан айланай сенинг.

Нақорат

Оқсаройнинг кўрғонидай,
уйингдан айланай сенинг.
Ўртабўзнинг терагидай
бўйингдан айланай сенинг.

Нақорат

Меҳмонжон

Халқ сўзи
С.Қурбонов мусикаси

Ўргача

Якка

Жон, жон, жон у - ка - жон да - ти - ёр жон у - ка - жон.

Боғ-лаб меҳ-мон то - йи - ни, о - либ кел-гин чо - йи - ни.

Нақорат

О - линг, о - линг меҳ - мон - жон, та - тиб кў-ринг меҳ-мон - жон.

Жон, жон, жон укажон,
дастиёр жон укажон.
Боғлаб меҳмон тойини,
олиб келинг чойини.

Нақорат

Олинг, олинг, меҳмонжон,
ичиб кўринг меҳмонжон.

Жон, жон, жон укажон,
дастиёр жон укажон.
Бизга келибди меҳмон,
олиб келинг иссиқ нон.

Нақорат

Олинг, олинг, меҳмонжон,
татиб кўринг меҳмонжон.

Жон, жон, жон укажон,
дастиёр жон укажон.
Отга илинг тўрвани,
меҳмон ичсин шўрвани.

Нақорат

Олинг, олинг, меҳмонжон,
ичиб кўринг меҳмонжон.

Жон, жон, жон укажон,
дастиёр жон укажон.
Ўзингиз енг ҳолвани,
меҳмон есин олмани.

Нақорат

Олинг, олинг, меҳмонжон,
татиб кўринг меҳмонжон.

FERUZ I

Ogahiy g'azali
Xorazm mumtoz yo'llaridan

M. M. $\text{♩} = 80$

Mush_kin qo_shing_ni hay_a_ti
(ey) ul chash_mi jal_lod uz_ti_na,
(ey) qat_lim u_chun nas kel_tu_rur (yo_
re) nun el_ti_bon sod
us_ti_na (ey)
Qil_g'il ta_mo_sho qo_ma_tin
ze_bo_si bir_lan o_ra_zin,
gar ko'r_ma_sang gul o'l_g'_nin (yo_
re) pay_von_di sham_shod
us_ti_ma (ey).
No_zu a_do_yu g'am_z_a_si

(ey) qat lim qi lur lar dam ba dam,
 vah mun cha o fat mu bo' lur (yo
 re) bir o da mi zod
 us ti na (ey).
 Men xas ta ga jon as ra mak (ey)
 en di e rur
 dush vor kim, (ey) qo til ko' zi
 be dod e tar (ey) har kah za be
 dod us ti na (ey)
 yor yo rey),
 Bo shim g'a yoq qan g'am to shin (ey)
 ming din bi ri
 cha bo'l ma g'ay (ey)

yor yo _ rey),
 gar _ dun a _ gar ming Bes _ tun (ey)
 yog' _ dur sa far _ xod us _ ti _ na (ey)
 yor yo _ rey).
 Ey, shoh, ka _ ram ay
 lar cho_g'i (ey)
 teng tut yo _ mo nu yax)shi _ ni , (ey)
 yor yo _ rey),
 kim , teng qu _ yosh nu _ ri tu _ shar
 (ey) vay ro _ nu o _ bod us _ ti _ g'a (ey)
 yor yo _ rey).
 Ne jur'at i _ la
 O _ ga _ hi (ey)

och_gay o_g'iz so'z der_ga_kim,
 (ey) yuz hay_li g'am qil_
 mish hu_jum (yo_re) Ul_zor no
 shod us_ti_na, (ey) (ey).

2- амалий машғулот: Фольклор асарлари структураси. (2 соат)

Ишдан мақсад: Буюк ипак йўлининг пайдо бўлиши халқаро муносабатлар ривожида муҳим аҳамиятини ўрганиш. Унинг тармоқлари нафақат савдо-иқтисодий алоқаларга, шунингдек, маданий мулоқоти ҳақида.

Мақсаднинг қўйилиши: Мазкур мавзу адабиётларда етарлича таҳлил этилган. Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Ўрта Осиё Шарқий Туркистон ва Узоқ Шарқ ҳудудларига турли динларнинг тарқалишида (буддавийлик, зардуштийлик, монийлик, христиан) катта ўрин тутган. Мазкур динлар маънавият ривожида муҳим аҳамият касб этган. Қўшни ўлкаларга ёзув (суғд, парфия ёзуви) ва янги мусиқа асбобларининг кириб бориши Ўрта Осиё таъсирида рўй берди. Хитойда VII-VIII асрларда бухоролик, самарқандлик, чочлик мусиқачилар машҳур бўлган. Минтақанинг ўзида толерантликнинг ривожланиши маданиятнинг кўп хиллигида ва диний бағрикенглигида ўз аксини топган. Мисол тариқасида, Сурхондарё воҳасида турли шаклдаги ёзув намуналари аниқланган. Оромий ва юнон ёзувлари асосидаги бактрия ёзуви, юнон ёзуви, ҳинд-кхароштхи ва брахма ёзувлари шулар жумласидан. Шунингдек, қўхна Термизда, Фаёзтепа ва Қоратепада Будда ибодатхоналари, Далварзинтепада Будда ибодатхонаси ва ҳайвонот олами илоҳаси Нана ибодатхонаси (кушонлар даври) ҳамда қадимги шаҳар теварагида зардуштийлар мақбараси – новус ўрганилган Бундай ҳолат минтақанинг турли вилоятларида намоён бўлган. Марғиёнанинг Марв шаҳрида антик даври ва илк ўрта асрларга оид археологик ва ёзма маълумотларга кўра, монийлик, яҳудийлик, христианликнинг оқими насронийлик ва буддавийлик динлари ривож топган. Улар билан бирга, маҳаллий эътиқодлар она илоҳи ва оловга сиғиниш тарқалган. Бундан кўриниб турибдики, Марвда маҳаллий аҳоли билан биргаликда яҳудийлар, буддавийлик ва христиан дини тарғиботчи – қоҳинлари ва бошқа халқларнинг вакиллари яшаганлиги эҳтимолдан холи эмас. Жанубий Оролбўйи Хоразм воҳасида ҳам эътиқодлар ва диний қарашлар турлича бўлган. Зардуштийлик ва ҳосилдорлик эътиқоди, оловга, аждодлар руҳига ҳамда ўлиб бораётган ва жонланаётган табиатга сиғиниш шулар жумласидан. Олов ибодатхоналари мил.авв. V асрга оид Катта Ойбўйирқалъа ва Хумбузтепада, ҳосилдорлик эътиқоди билан боғлиқ ибодатхоналар Қуйиқирилганқалъа ва Қалъалиқир 2 да (мил.авв. IV-II асрлар) топиб текширилган. Илоҳалар тасвири Элхарас ибодатхонасида аниқланган (мил.авв. V-IV асрлар чегараси). Тупроққалъа сарой-ибодатхонасида (милодий III аср) шоҳлар аждодлари руҳларига таъзим қилиш анъаналари сарой ҳайкаллари тасвирларида ўз аксини топган. Ҳукмдор – аждодлар

мавзуси Оқшахонқалъа деворий рангтасвирларида ҳам мавжуд (мил. авв. II-I асрлар). Хоразм, Суғд ва Бактрия ҳудудларида, бактрия ёзувларидан маълум “Вахшубаго” (Вахшу худоси), хусусан, Амударё билан боғланган сув ва дарё эътиқоди тарқалган, шунингдек, худо-чавандоз Сиёвуш ва “шоҳ-чўпон” (Кубодшоҳ) сиймолари билан боғланган эътиқодлар ҳам ривожланган. Наршахий Сиёвушнинг Бухорода “сомонфурушлар дарвозасининг ичкарасига” дафн этилиши ва бу жойнинг зиёратгоҳга айланиши ҳақида шундай ёзади: “Бухоро оташпарастилари ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили Наврўз куни қуёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўяди”. Ўрта Осиё қадимий аҳолисининг дунёқараши ва маънавияти ривожланиши даражаси турлича санъат намуналарида ифодаланган (хайкалтарошлик, деворий рангтасвирлар, оссуарийлар тасвирлари). Улар кўп ҳолларда минтақа халқлари маданиятининг умумумийлигидан далолат беради. Қадимги давр ва илк ўрта асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида толерантликка оид талайгина мисоллар келтириш мумкин. Бу борада турли дин ва эътиқодлар тарафдорларининг яшаш жойини танлаш ҳуқуқи чекланмаган. Улар шаҳарлар умумий ҳудудий гузарларида жойлашиб, турли касб-ҳунар соҳалари билан шуғулланиш имкониятига эга эди. Одамлар ўз диний байрамлари ва маросимларини эркин амалга оширишган. Зардуштийларнинг оташгоҳлари, буддавийлик, христиан ва яҳудийлик ибодатхоналарининг ёнма-ён қурилиши ман этилмаган. Бошқа эътиқодлар ва ўз маъбудаларига сиғинган кишиларга нисбатан душманлик кайфияти ҳамда ирқий нафрат мавжуд бўлмаган. Шу боис, илк ўрта асрларда Чоч, Фарғона водийсида ва Етгисув воҳаларида буддавийлик дини ва христианлик таълимоти тарқалади.

Суғдийларнинг Буюк ипак йўли бўйлаб Шарқий Туркистон ва Узок Шарқ ҳудудларига миграциялари туфайли, Хитойдаги Чанян, Лоян ва Кайфан шаҳарларида оташгоҳлар, яъни олов ибодатхоналари бунёд этилган. Қадимги давр ва илк ўрта асрларда турли эътиқод ва диний қарашлар доимо бир-бирига таъсир қилган ва ўзаро бойиган. Суғдийлар, бактрияликлар, хоразмликлар, чочликлар ва фарғоналиклар ўзга қабилалар ва элатларга маданий ютуқларни етказишда муҳим ўрин тутган. Халқаро маданий мулоқот дунёқарашнинг янги асосларда ривожланишига замин яратган. Маънавий маданият тараққиёти даражаси бетакрор санъат намуналарида ифодаланган. Санъат обидаларида эзгулик, яратувчанлик ва гўзалликка интилиш ўз аксини топган

3- амалий машғулот: Фольклор асарларининг замонавий талқинлари. (2 соат)

Ишдан мақсад: Ҳар битта тингловчи ўз мусиқа йўналиши бўйича ўзининг педагогик фаолиятида номоддий маданий меросдан қай даражада фойдаланаётганлиги тўғрисида маълумот беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистон композиторлари мурожаат этаётган замонавий мусиқий жанрлар таҳлил этилиб, шу йўналишда самарали фаолият олиб бораётган композиторлар ичидан ўз ижодий фаолиятида миллий куй ва кўшиқлардан яхши фойдаланаётганлари саралаб олинади ва уларнинг ижоди ўрганилади. Тингловчиларнинг тавсиясига кўра бир нечта турли жанрларда яратилган мусиқий асарлар ноталари (агар имкони бўлса ауди ёки видео вариантлари билан) муҳокама қилинади ва композиторнинг халқ куй ва кўшиқларидан фойдаланиш услуби ўрганилади. Имкони бўлса, тингловчилар ичида битта халқ куйи ёки кўшиғини бир неча хил жанрда фойдаланиш бўйича кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда машғулот ўтказиш ҳам мумкин.

Мақсаднинг қўйилиши: Амалий машғулотдан кўзланган мақсад тингловчилар ўз педагогик фаолияти даврида ўз талабаларига халқ куй ва кўшиқларидан самарали фойдаланиш услублари ва йўлларини ўргата олиш кўникмасини етказа билишини таъминлашдан иборат.

Мисол сифатида бериладиган кўшиқлар ноталари:

Ҳамал келди

Ш.Раҳматуллаев шеъри
С.Қурбонов мусикаси

Ўргача



Ўғил



Қизлар



Ўғил



Қиз



Ўғил



Қиз



Ўғил



Қиз



Ҳамал келди, Наврўз деган фармон келди. баҳор сепи – гуллар хирмон-хирмон келди. Моможонлар сумалакни пиширинглар, дилда қувонч, лабда қулги-хандон келди.

Гул яшариш ҳаётга бош йўриқ букун, гулладилар нок, шафтоли, ўрик букун. Дуо қил эй дилинг, кўзинг, сўзинг билан, Наврўз олам тирикликка кўрик букун.

Сумалак

Ш.Раҳматуллаев шеъри
С.Қурбонов муסיқаси

Қувноқ

Кай - во - ни - лар буг - до - йи - ни ун - ди - ра - ди. Ке - лин - чак - лар
у - ни ту - йиб тин - ди - ра - ди. Ўс - пи - рин - лар су - ма - лак - ка
ў - чоқ қа - зар Ча - ван - доз - лар о - хи - ри - ни эн - ди - ра - ди.
Ба - ҳор та - о - ми су - ма - лак, Нав - рўз ка - ло - ми су - ма - лак.
Қир бе - ти - да қир - қин қиз - лар қа - тор, қа - тор. Бўз бо - ла - лар
кенг да - ла - да о - шиқ о - тар. У - юр - лар - да ай - гир, би - я
тув - ла - ша - ди. Ку - лун - той - лар ша - мол - дан тез қув - ла - ша - ди.

Кайвонилар бугдойини ундиради,
келинчаклар уни туйиб,
тиндиради.
Ўспиринлар сумалакка ўчоқ қазар,
чавандозлар охирини эндиради.

Нақорат
Баҳор таоми сумалак,

Қир бетида қирқин қизлар қатор-қатор,
бўз болалар кенг далада ошиқ отар.
Уюрларда айғир, бия тувлашади,
қулунтойлар шамолдан тез қувлашади.

Нақорат
Баҳор таоми сумалак,
Наврўз каломи сумалак.

Наврўз каломи сумалак.

Желагим

Халқ сўзи
С.Қурбонов мусиқаси

Қувноқ



Же - ла - гим хо - же - ла - гим.



Ҳо - сил бўл - син ти - ла - гим. Се - ни кий - сам ке - ла - ди,



ўй - наб ўй - наб куй - ла - гим, ўй - наб ўй - наб куй - ла - гим.

Якка



Же - ла - гим а - ла - ча - дан, Суй - га - ним Қўр - гон - ча - дан.



Же - лак ки - йиб ю - ра - ман, ке - ли - шим Беш ар - ча - дан. Ҳей...!



Сур - хо - ним - нинг то - ви бор, тов - ла - ри - да о - ви бор.



Же - ла - гим - га я - раш - ган а - ла - ча - дан бо - ви бор.

Накорат

Желагим, хо желажим,
ҳосил бўлсин тилагим.
Сени кийсам келади,
ўйнаб-ўйнаб куйлагим.

Желагинг учар елда,
чилвир чақмоғинг белда.
Кўзинг олма теради,
муддаонг нима дилда.

Желагим алачадан,
суйганим Қўрғончадан.
Желак кийиб юраман,
келишим Бешарчадан.

Қўрғончада суйганинг,
Бешарчада куйганинг.
Қиз танлашми юрт кезиб,
желагингга туйганинг.

Ҳе..й! Сурхонимнинг тови бор,
товларида ови бор.
Желагимга ярашган,
алачадан бови бор.

Нақорат

Чўпон дуэти

Кувноқ

Халқ сўзи
С.Қурбонов мусиқаси



Йигит: - Қўнғирот элда қўй боқдим-а, бўйнига қўнғироқ тақдим.
Ошиқ бўлдим ўзингга-я, қошинг билан кўзингга.

Қиз: - Қошимиз қалам акажон, ошиқлик алам акажон.
Бўйимга тенгмас бўйингиз-а, сепимга етмас қўйингиз.

Йигит: - Ёниб-а келдим элингдан-а, сувсаб-а келдим чўлингдан.
Биргина коса сув бергин-а, тол хивичдаин қўлингдан.

Қиз: - Сув бераман-а савобга, коса берайин тавобга.
Биргина қилиқ бошлайсиз-а, билагимдана ушлайсиз.

Йигит: - Алача тўнни киймайман, алача қопга ўхшатиб.
Бошқа ёрни-я демасман-о, сизгинани қақшатиб.

Биргалиқда: - Ҳазилни қўйинг куйлайлик, алёрни айтинг ўйнайлик.
Она юртимиз тинч бўлсин-а, бирга қўшилиб қувнайлик.

Сумалак қайнагани

Халқ кўшиги

Тез



Накорат



Су - ма - лак,

су - ма - лак



Су - ма - лак

қай - на - га - ни



қай - на - га - ни,

Жў - ра - лар

ўй - наб ке - линг



яй - ра - га - ни.

Хей...



Су - ма - лак

ба - хор

ту - ру -



ри.

Су - ма - лак

Нав - рўз

шу - ру -



ри.

Су - ма - лак

дил - лар

шу - у -



ри.

Кел - гу - си йил

ё на - сиб.



Нақорат

Сумалак қайнагани, қайнагани,
жўралар яйраб келинг ўйнагани.

Ҳей! Сумалак баҳор ғурури,
сумалак Наврўз сурури.
Сумалак диллар шуури,
келгуси йил ё насиб.

Нақорат

Ҳей! Сумалак оши йилбоши,
сумалак сойларнинг тоши.
Жўралар олинг талошиб.
келгуси йил ё насиб.

Нақорат

V. ГЛОССАРИЙ

V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Мазмуни
маданий мерос	моддий ва номоддий маданий мерос йиғиндиси
моддий маданий мерос	Моддий қийматга эга маданий мерос
номоддий маданий мерос	Оғзаки тарзда аجدодлардан авлодларга узатиладиган мерос
Конвенция	Халқаро миқёсда келишув, битим тури
Оператив йўриқнома	Конвенцияни амалга татбиқ этиш бўйича кўрсатмалар тўплами
Репрезентатив рўйхат	Номоддий маданий мерос конвенциясининг намойиш этиш, кўрсатиш мақсадида тузилган рўйхати
Энг илғор тажрибалар реестри	ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос муҳофазаси борасида эришилган энг яхши тажрибаларни қайд этиш ҳужжати
ҳамжамият	Бир мақсадни кўзлаган ёки бир ҳудудда жойлашган ҳолда уюшган жамият
муҳофаза	Номоддий маданий меросни асраш, сақлаш, муҳофаза қилиш, тарғиб этиш маъносида қўлланилади
Бош Ассамблея	Номоддий маданий мерос борасидаги Конвенцияни бошқарувчи энг юқори ташкилот
Ҳукуматлараро Қўмита	Иштирокчи-давлатлар орасидан 4 йил муддатга сайланадиган бошқарув қўмитаси
номоддий маданий мерос соҳалари	Номоддий маданий мерос намоён бўладиган соҳалар
ижро санъати	Саҳна (давра, майдон ва бошқа)да ижро этиш учун мўлжалланган номоддий маданий мерос намуналари
урф-одат	Маълум бир муҳитда тартибга солинган ва риоя қилинадиган ҳаракатлар мажмуи
маросим	Ёзилмаган қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказиладиган тадбир

хунармандчилик	Инсон эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларни анъанавий билимлар асосида ишлаб чиқариш
кандакорлик	Металл билан ишлашга йўналтирилган хунарманчилик йўналиши
бесуякбозлик	Инсон танасининг букилувчанлик имкониятларини намойиш этиш жанри
достончилик	Достонларни ижро этиш
халфачилик	Хоразм ҳудудида тарқалган, аёллар томонидан ижро этиладиган қўшиқ ижрочилиги жанри
сувора	Қадимда отлиқлар томонидан ижро этилган, ҳозирда цикл сифатида шаклланган ашула жанри

VI. КЕЙСЛАР

Қуйидагилар ичидан фақат ижрочилик санъатигагина тааллуқли элементларни кўрсатиб беринг:

- Аския
- Рақс
- Достон ижрочилиги
- Чолғу ижрочилиги
- Лапар
- Ялла
- Дорбозлик
- Қўғирчоқбозлик
- Алла
- Мақом ижрочилиги
- Мақом мусиқаси
- Лазги мусиқаси
- Тановар куйи
- Халфачилик
- Морбозлик

II. Қуйида берилган номоддий маданий мерос соҳаларига хос элементларни аниқланг:

1. Ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари
2. Ижрочилик санъати
3. Урф-одат, маросим ва байрамлар
4. Табиат ва коинотга оид билим ва кўникмалар
5. Анъанавий ҳунармандчилик

III. Қуйидаги берилган рўйхат ва Реестрга Ўзбекистондан қайси мерослар киритилганлигини аниқланг:

Репрезентатив рўйхат

Зудлик билан муҳофаза қилинишга муҳтож номоддий маданий мерос рўйхати

Энг яхши тажрибалар Реестри

IV. Қуйида кўрсатилган ҳудудларга хос номоддий маданий мерос элементларини ва уларнинг қайси соҳага ҳослигини айтиб беринг

Қорақалпоғистон

Тошкент шаҳри

Наманган вилояти
Андижон вилояти
Фарғона вилояти
Жиззах вилояти
Самарқанд вилояти
Навоий вилояти
Бухоро вилояти
Хоразм вилояти
Қашқадарё вилояти
Сурхондарё вилояти
Сирдарё вилояти
Тошкент вилояти

V. Қуйидаги мусиқа намунасини эшитиб, унинг қайси ҳудудга хослиги ва қайси чолғуда ижро этилганини аниқланг.

- Яллама ёрим
- Лазги
- Тановар
- Мавриги
- Сувора
- Лапар
- Ялла
- Чўпонча
- Бухорча
- Халфа қўшиғи
- Чипра далли
- Ўзганча
- Қашқарча
- Ёр-ёр

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш” тўғрисидаги Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ–6000-сон Фармони.

Ш. Махсус адабиётлар

19. Ш.Турдимов. Эпос ва этнос. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти 2012 й.

20. Т.Мирзаев. Ҳоди Зариф суҳбатлари. Тошкент, 2013 й.

21. Т.Мирзаев. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. Тошкент, Фан нашриёти, 1979 й.

22. М.Муродова. Фольклор ва этнография. Тошкент, 2008 й.

23. Ж.Эшонқулов. Фольклор: образ ва талқин. Қарши, Насаф нашриёти, 1999 й.

24. М.Жўраев, Ж.Эшонқулов. Фольклоршуносликка кириш. Тошкент, 2017 й.

25. Ўзбекистон номоддий маданий мероси рўйхати. Hilol nashr MChJ, Toshkent, 2016 y.

26. Intangible cultural heritage of Uzbekistan (Ўзбекистон номоддий маданий мероси). ICHCAP, ICAS, YUNESKO ishlari bo'yicha O'zbekiston Milliy Komissiyasi nashri. Mega Basim, 2017 y. <https://www.unesco-ichcap.org/publications-archive/intangible-cultural-heritage-in-uzbekistanuzbektili/>

27. Номоддий маданий мерос ва барқарор ривожланиш. ЮНЕСКО нашри

28. Номоддий маданий мерос ва гендер масаласи. ЮНЕСКО нашри

29. What is intangible cultural heritage. Published by UNESCO and ICH

30. Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage. Published by UNESCO and ICH
31. Implementation of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage. Published by UNESCO and ICH
32. Working towards a Convention. Published by UNESCO and ICH
33. Questions & Answers. Published by UNESCO and ICH
34. Identification and inventory of intangible cultural heritage. Published by UNESCO and ICH
35. Domains of intangible cultural heritage. Published by UNESCO and ICH
36. Fact sheets. Published by UNESCO and ICH

III. Интернет сайтлар

10. <http://edu.uz>
11. <http://lex.uz>
12. <http://bimm.uz>
13. <http://ziyonet.uz>
14. <http://www.dsmi.uz>
15. <http://music.edu.ru/catalog>
16. <http://artyx.ru/>
17. <https://www.unesco-ichcap.org/publications/>
18. <https://www.ich.uz>